

**ИНСОН САЛОМАТЛИГИ – БЕБАҲО БОЙЛИК**

3



**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

4



**Мавсум масъулияти**

9

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 17 июнь, шанба • 24 (3658)-сон

## ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ШҲТНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**ШАНХАЙ, 15 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити бўлди. У Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этди.

**(Давоми 2-бетда).**



***Сурхондарё вилояти ИИБ хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, майор Бахтиёр Қурбонов ва Сариосиё тумани Шарғун қўрғони милиция бўлинмаси ХЧК ва ФР бўлинмаси бошлиғи, катта лейтенант Садбар Жумаевалар паспортларни расмийлаштиришни марказлаштириш жараёнини кўздан кечиришяпти.***

Эркин ТУЛАЕВ олган сурат.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

***Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд - ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.***

Давра суҳбатини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов бошқарди. Дастлаб республика Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд - ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Д. Ражабова сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан сўнг мамлакатимизда суд - ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, хусусан, ўлим жазосини бекор қилишнинг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида кенг тушунтирилаётгани ҳақида гапирди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р. Убайдуллаева республикамизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамюртларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани ҳақида тўхталди. Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ваколатхонаси раҳбари Р. Крумм суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ижобий фикрлар билдирди.

Шундан сўнг давра суҳбати иштирокчилари эътиборига Германия Бундестаги депутати Г. Дойблер – Гемелин хонимнинг «Ўлим жазосини бекор қилиш: Германия тажрибаси», «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори ўринбосари М. Хаджимухамедовнинг «Ўзбекистонликларнинг ўлим жазоси ҳақидаги фикри» мавзусидаги маърузалари ҳавола қилинди.

Тадбир республикамизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари, сиёсатшунослари ва социологларининг қизғин мунозаралари остида ўтди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Шу йил 20 июнда республика ИИВ Бирлашган таҳририятида соат 10.00 дан 13.00 гача ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ хизматлари фаолиятига бағишланган бевосита мулоқот бўлиб ўтади.**

Бевосита мулоқотда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармалари раҳбарлари таклиф этилган.

**Мулоқот учун телефон рақамлари:** 132-05-51, 139-70-40, 133-61-64.

Муштарийлар ўз саволларини ёзма равишда ёки телефон орқали бевосита таҳририятга беришлари ҳам мумкин.

**Манзилимиз:** 700029, Тошкент шаҳри, Ю. Ражабий кўчаси 1-уй.

**Мўлжал:** метронинг «Космонавтлар» бекати.

**POSTDA·TV**



**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**

*Келгуси ҳафта учун*

# ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ШҲТНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Учрашувда ШҲТни янада ривожлантиришга, Котибият, Минтақавий аксилтеррор тузилма ва Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини такомиллаштиришга, аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари хавфсизлик муаммолари, дунёда ва ШҲТ минтақасида рўй бераётган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Кузатувчи ва таҳлилчилар мазкур саммит ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганини, ташкилот ўзи қамраган кенг минтақада тинчлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим ўрин тутаётганини намойиш этишини таъкидламоқда.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида ШҲТ доирасидаги ишлар аллақачон муҳокамадан амалиётга ўтгани таъкидланди. Хусусан, "уч ёвуз куч" – террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлик бўйича шу вақтгача уч маротаба қўшма машқлар ўтказилгани яхши мисолдир. Шунингдек, Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан кенг кўламда ахборот алмашуви йўлга қўйилганини, "ШҲТ– Афғонистон " мулоқот гуруҳи тузилганини таъкидлаш ўринли. Маълумотларга қараганда, Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолияти туфайли 2005 йилнинг ўзида неча ўнлаб марта содир этишга киришилган террорчилик ҳаракатининг олди олинган.

Шанхай учрашуви халқаро сиёсатда муҳим аҳамиятга молик қатор масалалар муҳокама қилингани билан ҳам эътиборлидир. Дунёда унга кўрилган тайёргарлик ва саммитнинг ўзи диққат билан кузатиб борилди. Бунга эса ташкилот қисқа вақтда тараққий этгани, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қодир халқаро тузилма сифатида шакллангани асосий сабабдир.

Таҳдидлар ва хавф-хатарларни баҳолашдаги ёндашувларнинг уйғунлиги, хавфсизликнинг узвийлигидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорлик қилиш аъзо давлатларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Мақсадларнинг муштараклиги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий муаммоларни ечишда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳи ҳукм суришини таъминламоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик доирасида эса аъзо давлатлар ўртасида энергетика ва транспорт соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳалар тузилгани диққатга сазовордир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аъзо мамлакатлар бу йўналишда икки томонлама ва кўп томонлама асосда ҳаракат қилмоқда.

Мажлисда Президентлар сармоявий ҳамкорлик, сув-энергетика захиралари, ер ости ва ер усти бойликларидан унумли фойдаланиш, коммуникация ва ахборот тизимларини барпо этиш лойиҳалари, автомобиль, темир йўл магистралларини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ШҲТ саммити арафасида ҳукумат бошлиқлари, парламентлар раҳбарлари, хавфсизлик кенгашлари котиблари, мудофаа, ташқи сиёсат, иқтисодиёт ва ташқи савдо маҳкамалари раҳбарлари, савдо-саноат палаталари раисларининг учрашувларини ўтказиш анъанага айланган. Шанхай саммити доирасида бу сафар ишбилармонларнинг учрашуви ҳам ўтказилди. Президентлар Ишбилармонлар кенгашининг тузилишини маъқулладилар. Бу тузилма Банклараро уюшма ва Тараққиёт жамғармаси билан бирга иш одамларининг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу йил 30 май куни Москвада ШҲТ давлатлари парламентлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда олий қонун чиқарувчи органлар раҳбарларининг учрашувларини мунтазам равишда ташкил этиш борасида фикрлар баён қилинди. Президентлар бу ташаббусни ҳам маъқулладилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, ташкилотда кузатувчи мақомини олган давлатлардан вакиллар – Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбайар, Ҳиндистон нефть ва табиий газ вазири М.Деора ҳамда саммит раисининг меҳмонлари – Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло, Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) Бош котибининг ўринбосари У.Виллакорта қатнашди.

Мажлисда иштирокчилар ШҲТ доирасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан жаҳон таҳдид ва хавф-хатарлардан халос бўла олмаётганини таъкидлади.

- Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон "оловли нуқталар", ҳудудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидлар сақланиб турибди, – деди Ислом Каримов. – Афғонистондаги беқарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатдаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда.

ШҲТга аъзо мамлакатлар Европа ва Осиё қитъаларидаги улкан ҳудудни қамраб олган. Аҳолиси эса дунё нуфусининг тўртдан бирини ташкил қилади. Шулардан аёнки, ШҲТ қамраган минтақа улкан салоҳиятга эга. Айниқса, транспорт, энергетика, қурилиш каби соҳаларда имкониятлар жуда катта.

Мажлисда бу салоҳиятни тўла ишга солиб, имкониятларни амалий натижаларга айлантириш борасида батафсил фикр алмашилди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг саммити ниҳоясига етгач, ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда ШҲТнинг беш йиллиги декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги баёноти, Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига доир қарор, ШҲТ мамлакатлари ҳудудида қўшма аксилтеррор машқларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги битим, Аъзо давлатлар ҳудудига террорчилик, айирмачилик ва экстремистик фаолиятга дахлдор кишилар кириб келишини аниқлаш ва бундай йўлларни тўсиб қўйиш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ШҲТ Ишбилармонлар кенгашининг таъсис сессияси якунлари тўғрисидаги протокол имзоланди. Ташкилот доирасида Банклараро уюшма аъзолари ўртасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракат дастури қабул қилинди.

Саммит қатнашчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Унда музокаралар "Шанхай руҳи"га мос тарзда ўтгани, ШҲТ доирасидаги алоқаларга доир ва бошқа қатор минтақавий ҳамда халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилгани таъкидланди. Ушбу саммит ташкилот фаолиятининг самарадорлиги ошиб бораётганини, унинг халқаро нуфузи юксалаётганини кўрсатгани алоҳида қайд қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг фикрича, бугун имзоланган ҳужжатлар ташкилотни ривожлантириш йўлидаги янги қадам бўлди.

Ўзбекистон раҳбари бугунги саммит ва унинг натижалари икки хулосага олиб келишини қайд этди. Аввало, ушбу саммит ШҲТнинг долзарблиги ва нуфузли ташкилотга айланганини кўрсатди. Музокаралар ШҲТнинг истиқболи порлоқ, ташкилот доирасидаги ҳамкорлик эса катта салоҳиятга эга эканлигини намоён қилди. "ШҲТнинг келажаги бизнинг саъй-ҳаракатларимизга боғлиқдир", деди Ислом Каримов.

Россия Президенти Владимир Путин ШҲТ халқларимиз турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштиришга, Марказий Осиёни дунёнинг гуллаб-яшнаётган ҳудудига айлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Расмий тадбирлардан сўнг, ШҲТга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг катта концерти бўлди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Яхши анъанага айланган бу тадбир маданияти ва санъати турлича бўлган халқларни бир-бирига яқинроқ таништиришда, бир-бирининг маданияти ва санъатини ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан ШҲТнинг юбилей саммити ниҳоясига етди. У аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишончга асосланган муносабатларни янада ривожлантиришга, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларни баҳамжиҳат ҳал этиб боришга, халқларимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**(ЎзА).**



## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

### БЕҲУДА РАШК

**Учтепалик Равшан анчадан буён ишламайди. Бекорчи бўлгач, феъли ҳам айниди. Майдагап, жиззакилиги устига рафиқаси Гулнорани ўтган-кетгандан рашк қилиб, тез-тез жанжал кўтарадиган одат чиқарди. Шундай жанжалларнинг бири қариндоши Нилуфар ташриф буюрган кунда ҳам бўлиб ўтди. Равшан ўз хотинини аямагандек, меҳмонни ҳам беҳурмат қилди. Аввал хотинининг, сўнг кўзига қон тўлган зўравонни ажратмоқчи бўлган Нилуфарнинг кўксига пичоқ урди. Жабрдийдалар касалхонага ётқизилди. Энди рашкчи эр қилмиши учун жавоб беради.**

### «ТАЛАНГАН» ТАЛАБА

**Икром ёзги таътилни ота-онаси бағрида ўтказишни режалаштириб, Андижонга йўл олди. Йўл-йўлакай қўрғонтепалик танишларини кўриб кетмоқчи бўлди. Шоҳбекатга келганда ҳожатбарор ҳайдовчи икки йўловчиси билан жўнашга шай турарди. Йўловчилар Икромнинг тенгдошлари экан, суҳбат қизиб, манзилга кўз очиб юмгунча етиб келишди. Аммо машинадан тушаётганда йигитлар унга ташланиб, «Самсунг» уяли телефони ва чўнтагидаги 45.000 сўм пулини «қоқиб» олишди-ю кўздан ғойиб бўлишди. Икром вақтни бой бермай, туман ИИБга мурожаат қилди. Кўрилган чоралар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган, 1986 йилда туғилган Ғаффор ва 1988 йилда туғилган Иззатилло қўлга олинди.**

### ҲАМКАСБИ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

**Навоийлик темир йўл машинисти Жўрабой ўз ёрдамчиси Ҳасан билан олис манзилдан эсон-омон қайтганларини «ювишга» қарор қилдилар. Кўча-кўйда гандираклаб юргандан кўра, уйда ёнбошлаб, чақчақлашишни маъқул кўришди. Улфатчилик қизиб иккисининг кайфи ошиб, ўртада жанжал чиқди. Ўзидан ёши катта бўлса-да, лавозими паст бўлган Ҳасаннинг «хўжайинга» ақл ўргатиши ёқмади. Жўра столдаги пичоқни олди-да ёрдамчисининг қорнига санчди. ИИБ ходимлари етиб келишганда Ҳасан аллақачон жон таслим қилганди. Қотил унинг устози Жўра эканлигини аниқлаш қийин кечмади.**

### ЎЗГАНИНГ МОЛИ ЮҚ БЎЛМАС...

**Рафаэл шаҳар шовқин-суронидан дам олиш, оёғининг чигалини ёзиш мақсадида Оққовоқда жойлашган далаҳовлисига йўл олди. Аммо бу ердаги манзара унинг таъбини тирриқ қилди. Кимдир далаҳовлисининг эшикларини синдириб, ичкарига кириб, 700.000 сўмлик уй-рўзғор буюмларини ўғирлаб кетганди.**

**Қибрай туман ИИБ ходимларининг тезда кўрган чоралари натижасида ўғри ушланди. У Навоий вилоятилик, 1979 йилда туғилган К. Алишер экан.**

### ЖИЗЗАКИ ЎСМИРЛАР

**Жондор туманилик Шуҳрат ва Рустамлар 11-синфни битириш арафасида. Иккиси ҳам ҳадемай давлат имтиҳонларини топшириб, етуклик гувоҳномаларини қўлга олиб, катта ҳаёт сари йўлга тушишади. Аммо улардан бирининг «мустақил ҳаёт»ни панжара ортида бошлаши тайин. Чунки 10 июнга ўтар кечаси Рустам Шуҳратнинг уйига келиб синфдоши Н.ни тинч қўйишини сўради. Икки ўртада низо чиқди. Шуҳрат ўз тенгдоши Рустамнинг кўкрагига пичоқ урди. Жабрланувчи касалхонага, айбдор ички ишлар бўлимига келтирилди.**

### БЕКОРЧИНИНГ ЁМОН ҚИЛИҒИ

**Ургутлик Олим бекорчиликдан сандироқлаб, «Самарқанд» автобекати атрофида айлангани-айланган. Бирор соддароқ «ўлжа» қидира-қидира 1987 йилда туғилган Фурқатни нишонга олди. Уни панага чорлаб, бир неча мушт тушириб, «Нокия» уяли телефони ҳамда ёнида бўлган 10000 сўм пулини тортиб олди. Бироқ қароқчи бу «ўлжалар» билан узоққа кетолмади.**

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА,**
*майор.*

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

***Бемор кишига ҳеч нарса татимайди. Соғ одам ишлагиси, яратгиси келади. Соғлом одамнинг ишида унум, барака бўлади. Шунинг учун ҳар қандай идора раҳбари қўл остидагиларнинг соғ-саломат, бардам-бақувват бўлишидан манфаатдордир. Ички ишлар тизимида ҳам ходимларнинг тиббий муҳофазаси муҳим вазифа саналади. Куни кеча республика ИИВ Марказий госпиталида ана шу масалага бағишланган анжуман бўлиб ўтди.***



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Т. Худайбергенов тадбирни очар экан, ҳар доим бўлгани сингари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида вазирлик раҳбарияти ходимлар соғлиғини муҳофаза этиш, хизмат шароитини яхшилаш йўлида барча чора-тадбирларни кўраётганлигини айтди. У анжуманда мазкур соҳада мавжуд муаммоларни,



галдаги вазифаларни аниқлаш, уларни ҳал этиш йўлларини белгилаб олиш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Республика кардиология ихтисослашган маркази лаборатория раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди М. Пирназаров «Юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларнинг тўсатдан вафот этиш ҳолатлари» мавзусида маъруза қилди. Ушбу Марказ катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди Н. Салимованинг чиқиши эса депрессия ҳолати билан боғлиқ касалликларнинг сабаблари ва оқибатларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник А. Аминов ўз маърузасида ИИВ тизимида соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг долзарб муаммолари, тиббиёт ходимларининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалари устида батафсил тўхталди.

Касалликнинг олдини олиш уни даволашдан кўра осонроқ, муҳимроқдир. Шу маънода ички ишлар идоралари ходимларини ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш катта аҳамиятга эга. Осойишталик посбонлари сифатли тиббий кўрикдан ўтказилса улар орасида тўсатдан вафот этиш ҳолатларини кескин камайтириш мумкин. Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош терапевти, подполковник Э. Максумов ўз чиқишида шу фикрни алоҳида таъкидлади.

Ҳаётда ҳар хил чигалликлар юз беради. Баъзан киши ўзини боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қилиб, ўз жонига қасд қилишгача бориши мумкин. Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош психиатри бундай ҳолатларнинг юз бериш сабаблари, олдини олиш йўллари ҳақида гапирди. У ички ишлар идораларида маънавий муҳитни яхшилашда раҳбарларнинг роли катта эканлигини, ходимларга талабчанлик билан бирга ғамхўрлик ҳам кўрсатиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Осойишталик посбонларининг хизмат шароитини яхшилаш, иш вақтини тўғри ташкил этиш, ўз вақтида дам олишини таъминлаш шулар жумласидандир.

Саломатлиги учун аввало инсоннинг ўзи масъул, жавобгардир. У гигиена ва профилактика талабларига қанчалик риоя қилса, хасталикларга шунчалик кам чалинади. Бу эса кишининг санитария маданиятига боғлиқ.

Республика ИИВ Санитария-эпидемиология назорат Бош маркази бошлиғи, полковник Д. Тўраназаров ўз маърузасида ходимларнинг санитария маданиятини юксалтириш кўп жиҳатдан санитария маорифи тадбирларини самарали ташкил этишга боғлиқ эканлигини таъкидлади. ИИВ нашрларида мавсумий касалликларнинг олдини олиш борасида мақолалар бериб борилаётганини қайд этди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ичкиликбозлик, кашандалик каби зарарли одатларга қарши тарғиботни кучайтириш бу борадаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Маърузачи тўғри қайд қилиб ўтганидек, санитария маорифи ишлари бошқа тиббий тадбирлардан ўзининг камхаржлиги, оммабоплиги билан устун туради. У ходимларнинг санитария маданиятини ошириб, касб касалликлари, эндокрин, юрак-ишемик касалликлар, юқумли хасталикларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш даволаш муассасаларининг таъминотига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу борада қатор тадбирлар режалаштирилаяпти. Жумладан, амбулатория поликлиника муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан имтиёзли таъминлаш масаласи кўриб чиқилаётганлигини таъкидлаш керак.

Муҳокама чоғида сўзга чиққанлар анжуманда кўтарилган масалалар бўйича жойларда мавжуд муаммолар ҳақида тўхталдилар. Ходимларнинг тиббий муҳофазасини яна кучайтириш, такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Конференцияда кўрилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар умумлаштирилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унда осойишталик посбонларининг тиббий муҳофазасини кучайтириш учун вазирлик ШТБИХ ва Тиббиёт бошқармаси ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш, тиббиёт ходимларига эътиборни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Т. Худайбергенов анжуманни якунлар экан, ҳозир бўлганларни ички ишлар ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли ишда зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этишга, бор куч-ғайрат, билим ва тажрибаларини сарфлашга чақирди.

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

**Суратларда:** ***анжумандан лавҳалар.***

**2006 ЙИЛ — ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ**

# БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

**Республика ИИВ Марказий госпиталида «Энг яхши тиббий ҳамшира» танлови бўлиб ўтди. Анъанага айланиб қолган тадбир бу гал Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.**





Танловда беш тур якунига кўра ғолиблар аниқланди. Баҳс қатнашчилари ўзларининг касб маҳоратлари, амалий кўникмаларини намойиш этдилар. Бундан ташқари бадиий қобилиятлари, ҳазил-мутойибага усталикларини, жонажон ўлкалари тарихини яхши билишларини ҳам намойиш этишлари лозим эди.

Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник Р. Равшанов, Й. Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт коллежи директорининг ўринбосари И. Қаюмова, Тиббиёт бошқармаси катта шифокор-инспектори, майор Х. Шержонова, истеъфодаги полковник М. Султонова ва ИИВ Марказий госпитали касаба қўмитаси раиси С. Жалиловалардан иборат ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлашда анча баҳслашишди.

Кўрик иштирокчилари ўзларининг нафосати, малоҳати, ақл-заковати, топқирлиги ҳазилкашлиги билан ҳаммани лол қолдиришди. Аммо ҳайъат раиси, полковник Ренат Равшанов таъкидлаганидек, танлов бўлгандан кейин ҳар қандай мураккабликларга қарамай ғолибларни аниқлаш керак. Шундай қилиб, биринчи ўринни реанимация бўлинмаси ҳамшираси Н. Раҳматова эгаллади. Иккинчи ўрин ташхис қўйиш бўлинмаси ҳамшираси Г. Худойбергановага насиб этди.

Ҳайъат аъзолари учинчи ўринга жарроҳлик бўлинмаси ҳамшираси Н. Акбаровани лойиқ деб топишди. Аммо бу сафар анъана қоидаларини бир оз «бузишди». Яъни танловда тўртинчи ва бешинчи ўринлар соҳиблари ҳам аниқланди. Ушбу фахрли ўринларга яра жарроҳлиги бўлинмаси ҳамшираси М. Мўминова ва терапия бўлинмаси ҳамшираси Л. Баҳромова сазовор бўлишди. Хуллас, танлов натижаларига кўра мағлублар бўлмади, қатнашчилар қучоғи гулларга тўлди. Ҳамкасблари ва меҳмонлар уларни бу байрамона тадбир билан қизгин табриклашди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратларда: танловдан лавҳалар.**

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

**Юрт тинчлиги энг олий неъматдир. Ўзини шу юртнинг фарзандиман, деб билган ҳар бир фуқаро уни кўз қорачиғидек асрамоғи лозим. Айниқса, бундай вазифани ички ишлар идоралари ходимлари масъулият билан адо этишмоқда.**

# ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ



*Хоразм вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, майор Олимбой Эгамбердиев воқеа жойига чиқаётган пайт.*

Профилактика инспекторлари бевосита халқ орасида юриб, уларнинг дарду ҳасратларига, қувончу ташвишларига шерик бўладиган ходимлардир. Уларнинг хизмат шароитлари ҳам шунга мос бўлмоғи лозим. Истиқлол сабаб, вилоятдаги барча милиция таянч пунктлари бинолари тўла таъмирдан чиқарилди. Улар энг замонавий алоқа воситалари, компьютерлар билан таъминланди. Жумладан, вилоятимиз ҳудудидаги 53 та марказий милиция таянч пунктида турғун алоқа воситалари ўрнатилди. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси ихтиёрига 20 та хизмат автомашинаси берилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ички ишлар идораларини энг замонавий транспорт воситалари ҳамда телекоммуникация воситалари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг амалий ёрдами билан бошқармамизга «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» русумли автомашиналар ажратилди. Улардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, пост-патруль ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги хизматлари фойдаланмоқда. Барча шаҳар ва туман ИИБлари энг замонавий компьютерлар билан таъминланди.

Содир этилган жиноятнинг тезкорлик билан фош этилишида эксперт-криминалистика бўлими ходимларининг ҳиссаси беқиёс каттадир. Ушбу хизматга қўл-бармоқ излари ёрдамида жиноятчини аниқлаш имконини берадиган «Адис Сонда» компьютер тизимининг ажратилиши соҳа ходимлари ишини янада енгиллаштирди. Шунингдек, ўтган йили бу бўлимга энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган хизмат автомашинаси ажратилди. Энди соҳа ходимлари воқеа жойининг ўзида ҳар қандай шароитда барча тадқиқотларни олиб боришлари мумкин.



*Вилоят ИИБ ахборот маркази ходимлари капитан Ўктам Собиров ва катта лейтенант Хусниддин Раҳимовлар компьютер тизимидаги маълумотларни кўздан кечиришмоқда.*

Ходимларимизнинг касбий ҳамда жисмоний тайёргарлигини ошириш ҳар қачонгидан яхшиланмоқда. Вилоят ИИБ ташаббуси билан Урганч шаҳар марказида «Динамо» ўйингоҳи барпо этилди. Шунингдек, ички ишлар бошқармасининг ўқув маркази замон талаблари даражасида таъмирланиб, барча зарур жиҳозлар билан таъминланди. Қорақум барханлари орасида жойлашган ўқув амалий машғулот майдончаси ҳам ички ишлар ходимларининг жанговар тайёргарлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кинология хизмати ички ишлар идораларининг энг асосий бўғинларидан биридир. Сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлиги томонидан бу соҳага ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга қарашли хизмат итлари питомниги ташкил этилди. Бу ерда итларни тарбиялаш, овқатлантириш, тиббий кўрикдан ўтказиш, сайр қилдириш учун барча зарур шароитлар яратилди. Айни кунда бу ерда турли йўналишлар бўйича ўргатилган хизмат итлари тарбияланмоқда.

Мустақиллик йилларида ички ишлар идораларини замон талаби даражасига жавоб бериш учун амалга оширилаётган ишлар кўп. Уларни бирма-бир санаб ўтишнинг имкони йўқ. Муҳими, ходимларимизнинг хизмат қилиши, дам олиши, жисмоний, жанговар тайёргарлик кўриши учун барча қулайликлар яратилган.

**Баҳодир РАҲИМОВ,**
*вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник.*

# МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲ

**Хотира – ўтмиш. У ҳар бир кишида ўз замонасининг қадрига етиш ва олға интилиш ҳиссини тарбиялайди. Замон қадрини билган кишигина келажакка, истиқболга интилади.**

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда вилоят ИИБ «Меҳнат ва жанговар шуҳрат» музейи ўтмиш билан бугунги кунимизни боғловчи ўзига хос алоҳида кўприкдир. 1997 йилнинг 24 октябрида иш бошлаган бу музей айни кунда ички ишлар тизими ходимлари, уларнинг оила аъзолари, шунингдек, кўплаб меҳмонларнинг зиёратгоҳига айланиб бормоқда. Музей экспонатлари орасида Хоразм милицияси ташкил топган 1920 йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврни кўрсатувчи суратлар, муҳим ҳужжатлар, қурол-аслаҳа ва ашёлар мавжуд.

Музей қошида иш олиб бораётган жамоатчилик кенгаши ички ишлар ходимлари ва фуқароларнинг беғараз ёрдамларига таяниб, экспонатларни янада бойитишга ҳаракат қилмоқда. Мактаб ўқувчилари, коллежларнинг талабалари ўртасида ўтказилаётган «Менинг милициям», «Хоразм милицияси оқсоқоллари», «Осойишталик посбонлари» каби мавзулардаги иншолар танловлари бугунги кунда фахрийлик гаштини сураётган, ўз постида ҳалол хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимларининг ҳаёти ва иш фаолиятига оид хотираларни тўплашда ижобий роль ўйнамоқда.

Музей-муқаддас зиёратгоҳ. У ходимларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий меросимизга ҳурмат, касбга меҳр, бурчга содиқлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этиши табиий.

**Қўзи ДАВЛАТОВ,**
*вилоят ИИБ фахрийлар Кенгаши раиси ўринбосари, истеъфодаги подполковник.*



*Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ инспектори, катта сержант Шавкат Асқаров яқинда фойдаланишга топширилган турар жой иморати олдида.*

# МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ

**Улуғбек ИСКАНДАРОВ, Урганч шаҳар ИИБ тезкор навбатчи ёрдамчиси, катта сержант:**

– Мана ўн йиллирки, ички ишлар идораларида хизмат қилаяпман. Ўтган давр мобайнида бошқарма раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан ходимларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, вилоят ички ишлар ходимлари учун учта тўққиз қаватли ҳар бири 54 хонадонга эга турар жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Яқинда оиламизнинг узоқ йиллик орзу умидлари рўёбга чиқди. Бошқарма раҳбариятининг беғараз ёрдами билан янги иморатдан бизнинг оиламизга ҳам икки хонали уй берилди. Бу ғамхўрлик мен каби кўплаб ички ишлар идоралари ходимларини янада ҳушёр ва зийрак туриб, хизмат қилишга ундамоқда.

**Зоир БОБОЖОНОВ, вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектори, катта сержант:**

– Илгари вилоят ИИБнинг тиббиёт хизмати мослаштирилган бинода фаолият кўрсатарди. 1998 йил бир йўла 250 кишига хизмат қиладиган поликлиника ҳамда 60 беморни даволаш имкониятига эга бўлган шифохона фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган бу шифо маскани йил сайин ривожланиб, энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланяпти. Айни кунда бу ерда нафақат ички ишлар идоралари ходимлари балки уларнинг оила аъзолари ҳам даволанишмоқда.

**Раҳматилла РЎЗМЕТОВ, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБга қарашли хизмат итлар питомниги бошлиғи, подполковник:**

– Бундан 20 йил муқаддам вилоят ИИБ кинология хизматида атиги иккита хизмат ити бўлиб, улар ҳам хонадонларда сақланарди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ички ишлар идораларининг барча соҳалари қатори кинология хизматига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, хизмат итлар питомниги ташкил этилди. Кинология хизматини мукаммал эгаллаган, жисмонан бақувват йигитлар танлов асосида сараланиб, бу хизматга жалб этилди. Айни кунда бу ерда 44 та махсус ўргатилган хизмат итлари сақланмоқда. Яқинда Республика ИИВ раҳбарияти томонидан хизмат итлар питомниги ихтиёрига янги «Тико» русумли хизмат автомашинаси берилди.

**Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.**

**Саҳифа материалларини Худойберган ЖАББОРОВ тайёрлади.**

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД – ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ РАМЗИЙ ТИМСОЛИ



***…Кучли ёмғирдан сўнг анчагина нам тортган саҳро йўлидан кичик карвон кетяпти. 1221 йили мўғуллар томонидан Урганчнинг вайрон этилиши натижасида шаҳар аҳли ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Улар қаторида пўстиндўз Пирёр Вали оиласи ҳам Хивага қараб йўл тортган. Бир маромда ғичирлаб бораётган аравадаги кўрпача устида оила бошлиғининг завжаси — ой-куни яқинлашиб қолган Гулжамила борарди. Ичанқальага етган чоғларида тўлғоқ бошланиб қолди. Шу аснода Хива остонасида оила ворисси дунёга келди. Бу ҳижрий 645 йил, мелодий 1247 йилда воқе бўлди. Болага Маҳмуд деб исм қўйдилар.***

Маҳмуд полвон бўлиб ўсди. Ўн беш ёшлигидаёқ Хоразмнинг жуда кўплаб шаҳарларини кезиб, машҳур полвонлар билан бел олишди ва барчасида ғолиб бўлди. Кунлардан бир кун онаси унга: «Болам, дунё кезиш вақтинг келди, Ҳиндистонга отлан, мусофирчиликнинг ҳам нонини татиб кўр, бахтингни топ», — дея оқ йўл тилади. Бу пайтда Маҳмуд алпкелбатли йигит бўлиб камолга етган, «Паҳлавон» номига сазовор бўлишга улгурган эди. Онаизор ўғлининг бўйнига бало-қазолардан асрагувчи тумор тақиб, бир ҳинд фақирига йўлдош қилди.

Савдогарлар карвони билан йўлга чиққан Маҳмуд Ҳиндистонга келибоқ яхши хабар устидан чиқди. Ҳинд рожаларидан бири байрам ташкил қилиб, қўшни мамлакатлар полвонларини чорлаб турган экан.

Кураш мусобақаси бошланишидан аввал Паҳлавон Маҳмуд ҳинд диёрида мангу макон топган мусулмон биродарларининг мозорларини зиёрат қилиш учун қабристонга келади. Тиловат сўнггида у Шоҳимардон пиридан мадад сўраб турган чоғда яқинроқдаги тош маъбуд қошида йиғлаганча нола қилаётган аёлга кўзи тушди.

Маҳмуд аёлдан сўради:

— Эй, муниса, ноланг боиси недур?

Муштипар деди:

— Менинг якка-ёлғиз ўғлим бор. У доим кураш тушади. Оиламизни шунинг орқасидан боқиб келади. Айтишларича, Хива хонлигидан кураги ерга тегмаган бир полвон келмиш. У менинг болам билан бел олишни ихтиёр этмиш. Магарким болам енгилса, биз боқувчимиздан айрилурмиз. Шул боис, боламнинг ғалабаси учун ибодат қилаюрмен...

Тонг саҳар халойиқ тўйхонага оқиб келди. Полвонлар курашни бошладилар. Ниҳоят, Паҳлавон Маҳмуд ва кечаги онахоннинг фарзанди даврага таклиф этилди. Номи кетган ҳинд полвони Маҳмудни бир неча бор йиқитишга уринди, аммо бефойда. Маҳмуд рақибининг ўзига кучи етмаслигини аллақачон тушуниб етганди. У кампирнинг «Қора дев» номини олган полвон боласини бир неча бор қийин аҳволга солди, аммо йиқитмади.

Чор атрофдан хоразмлик ҳайбаракаллачиларнинг ҳайқириқлари янграй бошлади:

— Сарт полвони, кучингни кўрсат!

— Кураги билан ташла!..

Кураш давом этарди. «Қора дев» ёш Маҳмудни қаттиқ қучоқлаб даст кўтарди. Шу чоқ Паҳлавон Маҳмуд рақибида бундан бошқа қулай имконият бўлмаслигини билиб, атайин бир тиззаси билан чўккалади ва мағлуб бўлганлигини эълон қилди. (Буюк полвонларгина мағлубиятнинг шундай усулини танлашади).

Маҳмудни Ҳиндистонга бошлаб келган фақир барча хоразмликлар каби аввалига гап нимадалигини тушунмади. Шунда Паҳлавон Маҳмуд волидаси берган туморда битилган дуонинг асл мазмунини унга айтди: «Кимки хайрли ишга қодир бўлсаю, қилмаса, ул гуноҳкордур». Ва муштипар билан бўлган мулоқотни гапириб берди. Алал-оқибат сарт полвонининг мағлубиятни тан олиш сабаби барчага аён бўлгач, таҳсинлар дўлдек ёғилди. Байрам ташаббускори — ҳинд рожаси сахийлик билан эҳтиром кўрсатди: «Эй, Паҳлавон, тила тилагингни!» Шунда Маҳмуд деди: «Битта ҳўкиз терисига сиғадиган хоразмлик асирларни озод этишингни сўрайман». Рожанинг амри билан ҳўкиз терисини келтирдилар. Паҳлавон Маҳмуд терини узун тизимчаларга бўлиб кесиб чиқди. Кейин уларни бир-бирига улаб, улкан айлана ҳосил қилди. Рожа асирларни ана шу айланага киришга буюрди. Шу тариқа юзлаб тутқунларни озод қилган Паҳлавон Маҳмуд уларни ўзи билан Хивага олиб кетади...

Ҳар бир юртда улуғ қадриятлар ва бу қадриятларни сарбаланд этиб юргувчи улуғсифат инсонлар бўлади. Бизнинг ўзлигимизни оламга намоён этишда ана шундай улуғ қадриятларимиздан бири — миллий курашимизнинг ўрни беқиёс бўлаётганлиги муболағасиз бор гап. Кураш спорт тури сифатида шу даражада тез ёйилди ва ёйилмоқдаки, бугунги кунда африкалик жингалаксоч ҳам, европалик ишбилармон ҳам, америкалик сармоядор ҳам, қўйинг-чи, барча беш қитъада кўк-яшил яктак кийганларга олқиш ёғдираётганлар сони шиддат билан ўсиб боряпти. Бу оламаро тан олинган, эътироф этилган, ҳавас

**Суратда:** ***Паҳлавон Маҳмуд мақбара мажмуаси. Мажмуа мақбара, мадраса, масжид ва равоқли дарвоза орқали кириладиган қудуқли боғни ўз ичига олган.***



қилинган қадримиз, оримиз, ўзлигимиз ва, таъбир жоиз бўлса, ўзбеклигимиздир. Буюк Британияда ўзбек кураши бўйича «Ислом Каримов» турнири, Европа, Осиё, Африка, Австралия, Жаҳон чемпионатлари, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд хотира-турнирлари етти иқлим бўйлаб мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ҳатто, эронлик полвонлар бел олишдан олдин Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини айтиб, сўнг даврага тушишади.

Дарвоқе, шарқликларга хос ижодкорлик хислати Паҳлавон Маҳмудни ҳам четлаб ўтмаган. Рубоийнавислик борасида Умар Ҳайёмдан сўнг Паҳлавон Маҳмуднинг номи тилга олинган. Шеърият мухлислари уни «Ҳазрати Паҳлавон рубоийлари» китоби орқали яхши танишади. Кўплаб шеърий сатрлари Паҳлавон Маҳмуд мақбараси мажмуи деворларига беқиёс шарқона безак бериб ёзиб қолдирилган. Рубоийлар фалсафийлиги, ихчам ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

***Қора тош сира ҳам***
***бўлмас ложуворд,***
***Тоза қалбга юқмас***
***асло чангу гард.***
***Қулоқ солгин***
***Пирёр Вали сўзига,***
***Қўрқоқлардан***
***бирон чиққанмиди мард.***

* * *

***Гуркираган олов —***
***дилим йўлдоши,***
***Тўлқин урган дарё —***
***кўзларим ёши.***
***Кўзагарлар ясаётган***
***ҳар кўза —***
***Кўҳна дўстлар хоки —***
***қўли ва боши.***

* * *

***Олам фили қайтаролмас***
***журъатимиз,***
***Чархдан зўрроқ қуд —***
***ратимиз, шавкатимиз.***
***Гар чумоли кириб***
***қолса сафимизга,***
***Шер этажак уни***
***дарҳол давлатимиз.***

Дарҳақиқат, юқоридаги ҳикоят ва рубоийлар мисолида Паҳлавон Маҳмуд Пирёр Вали каби қадриятини улуғ тутган юрт фарзандларининг, элнинг ҳеч қачон кам бўлмаслиги яна бир бор ўз исботини топиб турибди.

Паҳлавон Маҳмуд Пирёр Валининг феълидаги фазилатларни замонимизнинг ҳозирги алпкелбат полвонларида ҳам кўрамиз. «Ё, Пирим!» дея рақибини елкасидан ошириб ташлайдиган курашчиларимизнинг аксарияти худди ўша улуғ бобомиздек ўта босиқ, камгап ва ориятлилиги билан ажралиб туришади.

Юқорида айтганимиздек, Паҳлавон Маҳмуднинг курагини ерга теккизишга ҳеч ким муваффақ бўлмаган. Қарийб қирқ йил давомида (манбаларда вафотлари санаси 1325 йил деб кўрсатилган) бутун Хуросон ва Мовароуннаҳр полвонларининг олди ва устози бўлиб келган бобокалонимизнинг номи ўзбек кураши тарихининг зарварақларида абадий қолишига шак-шубҳа йўқ.

**Эркин САТТОРОВ.**

## ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҚАБРИ ПОЙИДА

Мадорсиз қўлимга қалам олганда,
Ё узоқ йўлларда ҳориб-толганда,
Бир номард қошида ожиз қолганда
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим,
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Куйладим, фазога нақлим етмади,
Ўйладим, дунёга ақлим етмади,
Қай ишга қўл урдим, шаҳдим етмади,
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Мен учун хилхона бўлганда олам,
Гумбазлар ичидан чиқди бир алам:
— Ҳаётсан, бунчалар фарёд айлама,
Мен ўзим мададга зорман-ку, болам!

**Абдулла ОРИПОВ.**

# ХИЗМАТДА МАДАДКОРЛАР

***Ички ишлар тизимининг ҳар бир ходими эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, фуқаролар хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга масъулдир. Ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришларида эса шифокорлари ҳамиша мададкор, камарбаста.***



Сержант Валижон Жумаевга ғоят масъулиятли вазифа юклатилди. Гуруҳ таркиби довон йўлини қўриқлаши керак. Оғир жиноят қилиб, қўшни мамлакат ҳудудига яширинишга уриниши тахмин қилинаётган қуролланган, ҳар қадамда қонли жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсни ушлаш лозим эди. Пистирмада ходимлар узоқ туришди. Аксига олиб кечаси ёққан ёмғирдан кейин эсаётган совуқ шамол кўзни очирмасди. Бунинг устига олов ёқиш мумкин эмас. Жиноятчи ҳар қадамда ҳадиксираб изини йўқотиши, йўналишини ўзгартириши ёки яшириниши мумкин эди.

Валижон вазият қалтис эканлигини яхши биларди. Энди бу топшириқ ўқув амалиёти эмас, чинакам масъулиятли топшириқ, жиноятчи билан олишув эди. Шу туфайли ҳам яқинлашган кимсага тўхташ, таслим бўлиш ҳақида буйруқ берди. Аммо у шахс буйруқни назар-писанд қилмади. Тўхташ ўрнига қадамини тезлатиб, қуролини ўқталганча келарди. Вазиятни кўриб турган пистирмадаги йигитлар унга ташланишди. Кимса бир йўла тўрт киши унга ташланганидан кейин қуролини ҳам ишлатолмай қолди.



Хавфли жиноятчини қўлга олиш чоғидаги хизматлари учун гуруҳнинг ҳар бир аъзоси вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди. Сержант Валижон Жумаев ўша вақтда қаттиқ шамоллаган эди. Тиббиёт бўлими ходимлари уни назоратга олдилар. Ўн кунлик муолажа сержантнинг саломатлигини тиклади. У яна хизматга қайтди.

Яна олис тоғ қишлоғига хизмат вазифасини бажариш учун жўнаб кетган тезкор ходим, шифохонанинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарига дил сўзларини қолдириб кетди. Унда шифокорларнинг бурчига, хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашаётганликлари баён этилган эди.

Ҳа, Қашқадарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими шифокорлари ички ишлар ходимлари саломатлигини сақлаш, уларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Мурожаат қилиб келган ҳар бир ходимнинг саломатлигини тиклаб, яна хизматга йўллаш учун бутун билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда тиббий профилактик кўриклар ўтказилаётир. Ички ишлар идоралари фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар, шунингдек, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимлар оила аъзоларига ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

— Ички ишлар ходимлари қанчалик жисмоний ва маънавий соғлом бўлишса, шунчалик вазифаларни яхши бажарадилар. Биз эса уларга ҳамкор, мададкормиз, — дейди вилоят ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, майор Бахтиёр Ғаниев.

Тиббиёт бўлими қошидаги поликлиникада кундузги стационар ва даволаниш ўринлари бор. Беморлар эса бевосита шу ерда кундуз кунлари ётиб даволанадилар, шифокорлар назоратида бўладилар. Замонавий асбоб-ускуналар, физиотерапия хонаси, ташхис ва таҳлил жиҳозлари малакали шифокорлар ихтиёрида. Энг муҳими, бутун фаолиятини инсон саломатлиги билан боғлаган ўз касбининг устаси, фидойи ходимлар меҳнат қилишади. Улар касб маҳоратини ёшларга ўргатмоқдалар. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида фахрийлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, шунингдек, хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила-аъзоларига моддий ва маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш кўлами кенгайган. Имкон доирасида ногиронлар аравачаси, дори-дармондан ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилиняпти.




Вилоят ҳокимлиги, вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан тиббиёт бўлимига беш қаватли бино ажратилди. Келгусида тиббиёт бўлими ва унинг соҳавий хизматлари ягона жойга жойлашиши билан бирга 60 ўринли шифохона иш бошлайди. Бу эса ходимларнинг даволаниши учун кенг имкониятлар эшигини очади.

Тиббиёт бўлимига ҳар йили бир неча юз ходим мурожаат этади. Сиҳат-саломатлигини тиклаган ходимлар эса хизматда ўзини кўрсатишади. Бундан ташқари минглаб ходим тиббий профилактик кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур маслаҳатлар берилади. Айниқса, сафларни ёш, жисмоний ва маънавий соғлом ходимлар ҳисобига тўлдириб боришда тиббиёт ходимларининг хизматлари беқиёс бўляпти.

Ҳозирги кунда муассасада 30 нафар шифокор ва 20 нафар кичик тиббиёт ходимлари самарали меҳнат қилмоқдалар. Беморларнинг саломатлиги текширилиб, ташхис қўйиш ва даволаш учун барча шароитлар яратилган. Зарур ҳолларда беморларнинг уйига бориб хизмат кўрсатиш учун махсус автомашина ажратилган. Бу айниқса, фахрийлар ва ногиронларнинг саломатлигидан хабар олиб туришда жуда қўл келяпти.

Бўлимда тажрибали шифокорлар кўпчиликни ташкил этади. Бекмамат Очилов, Муҳаббат Расулова, Дилмурод Шоймардонов, Шаҳло Жўраева, капитан Отабек Эргашев, катта лейтенант Фахриддин Ҳусанов ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай қалб қўрини, тажриба ва билимини хизмат вазифасига бағишлаётган ходимлар анчагина. Уларнинг хизмати эса таҳсинга лойиқ.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**

**Суратларда:** ***тиббиёт бўлими фаолиятидан лавҳалар.***

**Суратларни Ў. РЎЗИЕВ олган.**

**УЙҒОҚ ХОТИРАЛАР**

# МАНГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ОНЛАР

Бундан олтмиш беш йил олдин гитлерчи фашистлар бутун дунёга ҳукмронлик қилиш истаги билан эрксевар, тинчликсевар халқларга қарши қурол ўқталиб, уруш эълон қилди. Ҳар қандай уруш катта йўқотиш, талафотлар манбаи бўлган. Жумладан, Иккинчи жаҳон урушида тўрт юз мингдан ошиқ юртдошларимиз ҳалок бўлишди.

Россия, Украина, Белоруссия ва Европанинг яна бир қатор давлатларини фашист босқинчиларидан озод қилишда юртимиздан бир ярим миллион киши иштирок этиб, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Қақшатқич жангларда жон олиб, жон берганлар қаторида ички ишлар ходимлари ҳам талайгина эди. ИИВ тизимида жами 3000 га яқин ходимлар уруш балосини дафъ этишга отланишган. Улардан М. Ҳасанов, И. Кирпиченко, О. Эрматов, Ш. Мақсудов. Т. Режапов, Ғ. Валиев ва бошқалар кўрсатган жасорат ҳамиша дилларда илиқ хотира билан ёдга олинади.

***Инсоният ўзининг онгли ҳаёт кечира бошлаган пайтидан буён ўн тўрт мингдан ортиқ уруш кўрди. Аммо бундан башарият учун заррача ҳам фойда бўлмади. Аксинча, урушлар туфайли ер юзи аҳолиси вайроналик, азоб-уқубат гирдобига учради. Бу қирғинбарот жангларда мамлакатлар, элу элатлар йўқ бўлиб кетди.***

Оловли, қонли жангларда барчаларининг қалбларида ягона олий туйғу — Ўзбекистонга, она Ватанга бўлган юксак муҳаббат ёнган. Улар Москва остоналарида, Сталинград, Курск атрофидаги жангларда ўз диёрини, ўз ота-онаси, ёру биродарларини, шириндан-шакар фарзандларини ўйлашди. Олис ўлкаларни озод қилаётганда Ўзбекистоннинг келажагини ҳимоя қилишаётганини яхши англашди. Фашизм биргина қозоқ, рус, украин, белорусснигина эмас, балки ўзбекни ҳам қуллик асоратига солиши муқаррарлигини билган ҳолда ҳаёт-мамот жангига киришди. Тинчлик, эрк улар учун олий қадрият ҳисобланган.

Уруш туфайли ички ишлар ходимларининг асосий қисми фронтга жўнатилган. Мамлакат ичкарисида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш қолганларга осон кечмаган. Бир киши беш-ўн нафар ходимнинг вазифасини бажаришига тўғри келган. Зарур ҳолларда аёллар ҳам хизматга жалб этилган. Юртфуруш, ғаламис, нопок, ўғрилик қилишга мойил кишиларни аниқлаш ва уларнинг танобини тортиб қўйиш учун фидойилик кўрсатган ходимлар қаторида андижонлик Комила Султоновани ҳам тилга олиш мумкин. У ички ишлар ва хавфсизлик хизматларининг топшириқларини аъло даражада бажариб, бошқаларга ўрнак бўлган. Уруш кетаётган ҳудудларга бориб, нопок ниятли кишиларни аниқлашда иштирок этган.

Уруш олови ўчганига олтмиш йилдан ошди. Биз ўша суронли кунларни бадиий, ҳужжатли фильмларда кўрамиз, китобларда ўқиймиз. Шунингдек, Республика ИИВ Шон-шуҳрат ва жанговар тарихи музейининг Иккинчи жаҳон урушига бағишланган бўлимида бўлган киши ўзини жанггоҳларда юргандек ҳис этади. Катта картинада уруш пайтидан бир лавҳа акс эттирилган. Шунингдек, қурол-яроғлар, аскарлар кийимлари, алоқа воситалари, ўша даврдан қолган мактубларни ҳам кўриш мумкин. Экспонатларни кўздан кечирган ҳар бир киши хаёлида урушнинг машаққатли кунлари, даҳшатли воқеалари намоён бўлади. Қонли жангларда иштирок этган юртдошларга нисбатан янада ҳурмати ортади. Уларнинг жасоратига яна бир бор тасанно айтади. Музейдаги ҳар бир буюм қимматлидир. Негаки, унда тарихнинг энг қайноқ лаҳзалари, инсон қисматининг кечмишлари мужассамдир.

Ҳозир ҳам орамизда фронт алангасидан омон қайтган, меҳнат ичкарисида меҳнат қилган ватанпарварлар эл эъзозидалар. Уларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ҳеч қачон йўқолмайди, балки меҳр булоғи каби отилиб чиқаверади. Урушнинг бутун оғирлигини ўз елкаларида кўтариб турган бу инсонлар янги ўсиб келаётган авлодларнинг мангу миннатдорчилигига сазовор бўлдилар.

Осмонимиз мусаффо бўлиши, шундай дориламон кунларга етиб келишимиз учун кўксини қалқон, азиз жонини фидо қилганлар ёди халқ хотирасида абадийдир.

**Ф. АЗИЗОВ.**

# ХОРИЖДА ПАСПОРТИНГИЗНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙСАНГИЗ...

*Мустақиллигимиз шарофати билан юртдошларимиз эмин-эркин чет мамлакатларга бориш, жаҳонни кўриш имкониятига эга бўлдилар. Ўзга ўлкаларга тижорат, саёҳат мақсадларида боришни ният қилиб юрганлар қанча. Ана шуларни назарда тутиб республика ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Дониёр Йўлчиев ва бўлим бошлиғининг ўринбосари, подполковник Улуғбек Мухамедовга бир неча савол билан мурожаат қилдик.*

**— Асосий мавзуга ўтиш олдидан қуйидаги масалага бир оз тўхталсангиз. Агар фуқаронинг паспортини алмаштириш муддати бир-икки ой ўтиб кетган бўлса, янги паспорт олиш жараёни қандай бўлади? Унга нисбатан қандай чоралар кўрилади?**

**У. Мухамедов:** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомда фуқаро паспортининг амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб уч кун ичида паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун фотосурат ва ҳужжатларни тўплаган ҳолда доимий яшаш жойидаги ички ишлар идорасига тақдим этиши лозимлиги кўрсатилган.

Фуқаро 16 ёшга тўлганда паспорт олиши ва 25 ёки 45 ёшга тўлган кундан бошлаб уч кун ичида паспортини алмаштириш учун ҳужжатларини ва фотосуратни доимий яшаш жойидаги ички ишлар идорасига тақдим этиши лозим. Мабодо, бу талабни бажармаса, у Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 223-моддаси бўйича энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган миқдорда жаримага тортилади. Шу ўринда қонунларимиз аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилишини таъкидлашни истардим. Бордию фуқаро енгиллаштирувчи ҳолатларга, узрли сабабларга кўра паспортини ўз вақтида алмаштирмаган бўлса, шунингдек, қоидабузарнинг моддий аҳволи оғирлиги ҳисобга олиниб, унга нисбатан енгилроқ жазо қўлланилади. Бундан ташқари, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган идора раҳбари ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам киши амал қилиш муддати тугаган паспортини ўз вақтида алмаштиришга интилиши керак.

**— Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга чиқишлари учун рухсатнома олишлари қандай тартибда амалга оширилади?**

**Д.Йўлчиев.** — Хорижга чиқмоқчи бўлган фуқаро чет элга бориш мақсадидан қатъи назар, ўзи доимий яшаш жойидаги — вилоятларда яшовчи фуқаролар вилоят ИИБ ХЧК ва ФР бўлимларига, Тошкент шаҳрида яшовчилар эса туман ИИБ ХЧК ва ФР хизматларига мурожаат қилишлари керак. Тўлдирилган ариза-анкеталар уларнинг охирги иш ёки ўқув жойларидан, ташкилот ва ўқув муассасаларининг раҳбарлари томонидан тасдиқланади, ишламаётган фуқароларнинг ариза-анкеталари эса доимий яшаш жойларидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари раҳбарлари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланиши лозим.

Ушбу ҳужжатлар ички ишлар идоралари томонидан 15 кун муддат ичида кўриб чиқилиб, фуқароларнинг паспортларига чет элга бориш учун рухсат ёзувининг стикери расмийлаштириб берилади. Фуқаролардан бунинг учун энг кам иш ҳақининг 50 фоиз миқдорида давлат божи ундирилади. Бу рухсатнома икки йилгача ҳақиқий ҳисобланади.

**— Ҳозирги кунда юртдошларимиз хорижга саёҳат, тижорат, меҳмон бўлиш каби турли мақсадларда чиқмоқдалар. Улар Ўзбекистондан ташқарида бўлган вақтларида паспортларини йўқотиб қўйиш ёки**




**бўлмаса паспортнинг амал қилиш муддати ўтиб кетиш ҳоллари учраб турибди. Ушбу фуқаролар бундай вазиятда нима қилишлари, қаерга мурожаат этишлари мумкин?**

**У. Мухамедов:** — Бу савол ҳозирги кунда кўпчиликни қизиқтиради. Агар фуқаро хорижда бўлган вақтда паспортининг амал қилиш муддати тугаб қолса ёки бўлмаса уни йўқотиб қўйса, мамлакатимизга қайтиб келиш учун ўша давлатда жойлашган Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси ёки консуллик муассасасига ариза билан мурожаат этиши лозим бўлади.

Агар паспортининг амал қилиш муддати тугаган бўлса, у ҳолда консуллик муассасаси фуқарога ватанига қайтиш гувоҳномасини ёзиб беради. Унинг амал қилиш муддати тугаган паспортини дипломатик йўллар билан Ўзбекистон Республикаси ИИВга юборади.

Агар фуқаро хориждалигида паспортини йўқотган бўлса, у ҳолда ҳам элчихона ёки консуллик муассасасига ариза билан мурожаат қилади. Унинг ҳужжатлари дипломатик йўллар билан Ташқи ишлар вазирлиги орқали бизнинг бошқармамизга жўнатилади. Фуқаронинг шахси тасдиқлангач, хориждаги дипломатик ваколатхонамиз томонидан фуқарога ватанга қайтиш гувоҳномаси расмийлаштириб берилади. Фуқаро ушбу гувоҳнома билан доимий яшаб турган жойидаги ички ишлар идорасига мурожаат қилса, унга паспорт бериш чоралари кўрилади.

Лекин, киши қаерда бўлишидан қатъи назар, юртимиз фуқароси эканлигини тасдиқловчи мўътабар ҳужжат бўлган паспортини асраб-авайлаши, муқаддас билиши лозим.

**Суҳбатдош: Умида БОЛЛИЕВА.**

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**— Мен пойтахтимизнинг Сирғали туманида истиқомат қиламан. Ҳайдовчилик курсида ўқимоқчи эдим. Туманимизда шундай курслар борми? Уларнинг қайбирида ўқишимни маслаҳат берасиз?**

**Маҳкам КОМИЛОВ.**

— Тошкент шаҳри ҳудудида ҳайдовчи кадрларни тайёрловчи бир қанча ўқув ташкилотлари мавжуд. Жумладан, сиз яшаётган Сирғали туманида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли ҳайдовчилик мактаби, «Анион» ва «Алангаспорт» номли масъулияти чекланган жамиятлар фаолият кўрсатади.

Сиз нафақат Сирғали туманидаги, балки пойтахтимиздаги ўзингизга қулай, истаган ҳайдовчилик курсларида ўқишга ҳақлисиз.

* * *

**— Мамлакатимизнинг миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари қайси давлатлар ҳудудида ҳақиқий ҳисобланади?**

**Ўткир МАҲМУДОВ,**
*Навоий вилояти.*

— Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги халқаро Вена Конвенцияси талабларига жавоб беради. Шу сабабли мазкур конвенцияга аъзо бўлган давлатлар ҳудудида ҳақиқий ҳисобланади.

* * *

**— Мен ҳайдовчиман. Баъзан билиб-билмай йўл ҳаракати қоидаларини бузиб қўяман. Айтинг-чи, ЙПХ ходими қоидабузар ҳайдовчига солинган жаримани жойида ундиришга ҳақлими?**

**Козимжон БАКИРОВ,**
*Андижон шаҳри.*

— Агар ҳайдовчи ўзи ҳуқуқбузарлик, яъни қоидабузарлик содир этганлигини тан олса, воқеа жойининг ўзида ундан энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача бўлган жарима ундирилиши мумкин. ЙПХ ходими ҳуқуқбузарга жарима тўлаганлиги ҳақида белгиланган шаклдаги тўловнома расмийлаштириб беради.

Башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда содир этилган қоидабузарлик юзасидан маъмурий баённома тузилади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Йўл ҳаракати хавфсизлиги**
**Бош бошқармаси.**

***Мамлакатимизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг камайиши, аҳолининг эса йўл қоидаларига амал қилиши, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ва бошқа мақсадларни кўзлаб ўтказилаётган тадбирнинг пойтахтимизда қандай ўтаётганлигини билиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси ходимлари ҳамроҳлигида шаҳар айландик.***

# ЙЎЛИМИЗ ОЙДЕК ЁРУҒ БЎЛСИН



*Қоидани бузгач, ўзни оқлашинг ҳеч ҳожати йўқ...*

Тарғибот автобуси шаҳар бўйлаб бораяпти. Ёзнинг иссиқ тафтига қарамай, кимдир ишга, яна кимдир бошқа юмушлар билан елиб югуради. Ҳаётнинг мазмуни ҳам ҳаракатдадир. Пойтахт кўчаларида ҳаракат қатнови тиғиз.

— Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун, — деди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилик ва ОАВБАҚ бўлинмаси катта инспектори, капитан Бобур Мўминов, — фуқаролардан кўча ва йўлларда эътиборли бўлиб, оддий йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш талаб этилади. Бироқ айрим ҳайдовчи ва пиёдалар қоидаларни била туриб амал қилмайдилар. Билишга ҳаракат қилмайдиган бепарволар ҳам борлигини ҳисобга олган ҳолда ойлик давомида тарғибот-ташвиқот ишларига катта эътибор берилаяпти.

Амир Темур ва Муртазоев кўчалари кесишган чорраҳада ЙПХ ходими, катта сержант Наримон Рўзиметов ўз хизмат вазифасини бажараётган экан.

Метронинг «Минор» бекатидан чиқиб, пиёдаларнинг махсус ўтиш жойи томон юришга чоғланаётган икки йўловчидан: «Республикамизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилаётганлигидан хабарингиз борми?» — дея сўрадик.

— Менимча, бу тадбир ички ишлар ходимларига тааллуқли бўлса керак, — деди улардан бири.

— Фикрингизга қўшилмайман, — деди иккинчи йўловчи. — Мазкур ойлик мамлакатимизда яшовчи барча фуқароларни кўча-кўйда ҳаракат қоидаларига амал қилишга ва ҳушёрликка ундайди. Бунга фақат ички ишлар ходимлари эмас, балки барчамиз масъулмиз. Бу ҳақда радио-телевизорда гапиришяпти, газеталарга ёзишяпти.

— Кўриб турганингиздек, фуқароларимиз бу тадбирга бефарқ эмас, — дейди ҳамроҳимиз капитан Б. Мўминов. — Афсуски, айримларнинг лоқайдлиги сабаб, йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпчилиги пиёдалар ва ёш болалар иштирокида содир бўлмоқда. Ачинарлиси, деярли ҳар йили ушбу йўл-транспорт ҳодисаларининг 500 таси болалар иштирокида содир бўлиб, 20 дан ортиқ норасида ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Юнусобод туманидаги «Истиқлол» номли санаторий типидаги мактабгача таълим муассасидамиз. У ерда автодром, автомайдончалар ташкил этилган. Шунингдек, болажонлардан йўл посбонлари гуруҳи тузилганини айтишди. Туман халқ таълими бўлими вояга етмаганлар бўйича комиссия котибаси Саодат Султонова шундай деди:

— Жажжи болажонлар билан йўл ҳаракати қоидалари тўғрисида машғулотлар мунтазам олиб борилади. Чунки болада дастлабки йўл ҳаракати ҳақидаги тушунчалар айнан боғчада шаклланади.



*Йўлдан бу аҳволда кесиб ўтишнинг нимаси кулгили?..*

Шунинг учун уларга доим йўл белги ва чироқларига эътибор бериш кераклигини содда қилиб тушунтирилади.

... Паркент ва Ҳ. Абдуллаев кўчалари кесишмасидаги чорраҳада қоидабузарлик содир бўлди. Мовий ранг «Тико» автомашинаси пиёдалар ўтиш жойидан йўловчини ўтказиб юбормай, қоидани қўпол равишда бузди. ЙПХ ходими, сержант Ё. Парпиев автомашинани тўхтатди.

— Қоида бузганлигимни тан оламан, — деди ҳайдовчи Б. Олим. — Бир жойга 10 дақиқа ичида етиб боришим керак эди.

— Сизнинг бу сабрсизлигингиз бир бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлиши мумкин эди, — деди сержант Ёқуб Парпиев. — Фалокат оёқ остида дейишади. Йўл эса интизомни ёқтиради. Шунинг учун рулда доим эътиборли бўлинг, шошилманг.

Қоидабузарга маъмурий баённома тузилди — у жарима билан «сийланди».

Пойтахтнинг транспорт ҳаракати серқатнов ҳамда аҳоли гавжум бўлган Усмон Носир — Бобур кўчалари кесишган чорраҳадамиз. Бу ҳудуд саноат корхоналари, олий ва ўрта таълим муассасалари, бошқа ташкилотлар жойлашганлиги билан аҳамиятлидир.

ЙПХ ходими, кичик сержант Дилшод Эргашев чорраҳада ҳаракат хавфсизлигини назорат қилиб турибди. Ўнг томондан Бобур кўчаси томон бурилаётган оқ рангли «Нексия» автомашинаси У. Носир кўчаси бўйлаб бораётган 9-йўналишдаги трамвайнинг ҳаракатланишига халақит берди. Йўл посбонининг ҳуштаги янгради ва автомашина тўхтатилди.

— Кечирасиз, мен ҳеч қандай қоидани бузганим йўқ-ку, — деб ўзини оқлашга уринди ҳайдовчи. Унга қоидани қандай қилиб бузганлиги батафсил тушунтирилди ва у ўз айбига иқрор бўлди.

— Айрим ҳолларда ҳайдовчилар қоидани бузганлигини била туриб, қилмишларидан тонишади, — дейди кичик сержант Д. Эргашев.

Чорраҳанинг ўртасидан кесиб ўтаётган йигит қоидани бузди.

— Нега белгиланган ерости йўлидан ўтмай, чорраҳанинг қоқ марказидан кесиб ўтаяпсиз? — савол берди капитан Б. Мўминов.

— Шошиб турган эдим, — деди ўзини Транспорт институтининг талабаси деб таништирган Б. Бозоров. — Эртага диплом ҳимоя қиламан, шунга кўчанинг нариги тарафидаги дўконда диплом ишимнинг нусхасини кўчиришга шошаётган эдим.

— Ҳозир қанақа тадбир ўтказилаётганидан хабарингиз борми? — деб сўради ҳамроҳимиз.

— Тўғрисини айтсам, хабарим йўқ, чунки имтиҳонларга тайёргарлик, диплом иши дегандай...

Транспорт олийгоҳида таълим олаётган талаба йўл ҳаракати қоидаларини бошқалардан яхши билиши зарур-ку. Бу йигит эса шундай муҳим тадбир ўтказилаётганидан бехабар.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳамшаҳарларимизнинг айримларини ҳисобга олмаганда, кўпчилиги республикада ўтказилаётган муҳим тадбирнинг моҳиятини англаб етиб, фаол иштирок этишга ҳаракат қилишяпти.

Қуёш уфққа бош қўйиш арафасида. Пойтахт кўчалари шом чўкиши олдидан ажиб манзара касб этган. Бирин-кетин ёнаётган чироқлар шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшаяпти. Мана тўлин ой кўринди. Кўчалардаги машиналар шовқини бизни янада ҳушёр юришга ундаяпти. Ниятимиз — йўлимиз мана шу тўлин ойдек ёруғ бўлсин.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ.**



— Йўлингиз бехатар бўлсин!



«Ғалла-2006»

**Пешона тери, қалб қўри эвазига етиштирилган ризқ-рўзимизни йиғиштириб олиб, давлат омборларига топшириш ишлари жадал суръатда давом этяпти. Ўрим-йиғимда Сирдарё вилояти ғаллакорлари ҳам ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Жорий йилда вилоят бўйича давлатга 175 минг 900 тоннадан зиёд сара дон топширилиши режалаштирилган.**



# МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

«Ғалла-2006» тадбирида ички ишлар ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Мавсумда ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиб, қабул пунктларига етказиш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. «Ғалла» штаби аъзолари ризқ-рўзимизни исроф қилмаслик, талон-торож, ташмачилик, ўғирликларга йўл қўймаслик чораларини кўришмоқда. Шу мақсадда дон ташишга жалб этилган транспорт воситалари махсус рақамланган. Жойларда 60 га яқин назорат масканлари фаолият кўрсатмоқда.

Ғаллани ёнғиндан сақлаш учун экин майдонларининг махсус қисмлари ҳайдов тракторлари билан шудгорланиб, бурилиш майдончалари тартибга келтирилди. Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан 182 нафар ходим, 109 та ёнғин ўчириш техникалари мавсумга жалб қилинган.

Вилоятдаги 9 та дон қабул қилиш пунктлари узлуксиз ишлаяпти. Ғалла ўрими ва уни тайёрлов пунктларига топшириш конвейер усулида юритилаяпти.

Вилоят ғалла майдонларида ўрим-йиғим суръати тобора кучаймоқда. Далада меҳнат қилаётган ғаллакорлар, ҳосил тақдирини назорат қилаётган ички ишлар ходимлари, посбонлар, қолаверса, ҳар бир фуқаро хирмонларимизни донга, дастурхонимизни эса нонга тўлдириш учун барча куч ва имкониятларни ишга солишяпти.

**Умрзоқ ҒАФФОРОВ,**
*катта сержант.*

**Суратда:** ***Сирдарё туманидаги «Малик» фермерлар уюшмаси «Тинибек бобо» фермер хўжалиги ғалла майдонида профилактика инспектори, капитан Акром Раҳмонов, туман ИИБ бўлинма бошлиғи, капитан Ахат Дўстматов, фермер хўжалиги раҳбари Мади Тинибековлар ўзаро мулоқотда.***

**Муаллиф олган сурат.**

# МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**Яқинда хизмат сафари юзасидан Навоий вилоятида жойлашган ИИВ Қоровул Қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб қайтдик. Қисм дарвозасидан кирар эканмиз, у ерда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдик.**

— Амалга оширилган ишларда бизга Навоий кон-металлургия комбинатининг қурилиш ташкилоти яқиндан ёрдам беряпти, — дейди биз билан суҳбатда қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Б. Мирзаев.

Шахсий таркибнинг бир ёқадан бош чиқариб, бир тан-бир жон бўлиб, ҳар бир ишни аниқ режа асосида бажарилаётганлиги сабабли кўзланган натижаларга эришилаяпти. Аскарларни жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ошириш мақсадида компьютер синфлари ва спорт тренажёрлари мунтазам ишлаб турибди. Ҳарбий қисм жамоаси 2005 йил якуни бўйича иккинчи ўринни эгаллади. «Энг намунали ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонаси» кўрик-танловида эса подполковник Т. Мухитов сардорлик қилаётган батальон ғолиб деб топилди.

Бундай ютуқларда кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган тажрибали ҳарбий



хизматчиларнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Масалан, батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Музаффар Маманов, батальон старшинаси, катта сержант Ҳамдам Васимов, муддатли ҳарбий хизматчилардан оддий аскар Ўткир Раимовларнинг номларини келтириш мумкин.

— Батальонимиз шахсий таркиби Қоровул Қўшинлари қўмондонлиги ва вилоят ҳокимлиги томонидан рангли телевизор, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди, — дейди суҳбат чоғида батальон командири, подполковник Т. Мухитов.

Ҳарбий қисм жамоасига халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида олиб бораётган ишларида омадлар тилаб қоламиз.

**Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,**
*сержант.*

**Суратда:** ***батальон старшинаси, катта сержант Ҳ. Васимов оддий аскар Ўткир Раимовга касб сир-асрорларини ўргатмоқда.***

**Муаллиф олган сурат.**

# МУҲИМ ВАЗИФА

**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшаётган йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун сифатли ёнилғи етказиб бераётган йирик саноат корхонасининг узлуксиз ишлаш жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.**

Корхона ҳудудида ёнғинларнинг олдини олиш, фавқулодда содир бўладиган ҳолатларни тез ва талофатсиз бартараф этиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Барча цехлардаги ишчилар ўртасида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Завод раҳбарияти томонидан ташкил этилган ёнғин техник комиссияси аъзолари билан биргаликда жадвал асосида цехларнинг техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари текширилмоқда. Цехлардаги кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналарининг маҳоратларини ошириш мақсадида назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинган.

Аниқланган камчиликлар доимий равишда йиғилишларда муҳокама қилинмоқда. Заводда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш барча ишчи-хизматчиларнинг бурчи эканлиги ўтказилаётган учрашувларда қайта-қайта таъкидланяпти.

Корхона ёнғин хавфсизлигини таъминлаётган 2-ҲЁХО ходимларининг туну кун тинимсиз меҳнатлари эвазига қимматбаҳо бойлик асраб-авайланмоқда. Айниқса, бу борада капитан А. Ғайбуллаев раҳбарлик қилаётган 7-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми жамоасининг ҳиссаси каттадир. Жорий йилнинг ўтган даври давомида корхонада 48 маротаба назорат ва тезкор текширишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун таклифлар ишлаб чиқилди. Ёнғин хавфсизлиги талабларини бузган 35 нафар масъул ходимлар ва ишчи-хизматчиларга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, 329000 сўм жарима ундирилди.

Ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган 8 та иншоот ва қурилмаларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Бундан ташқари 64 та носоз асбоб-ускуналардан фойдаланиш тақиқланди.

Объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари юқори савияда ташкил қилиниб, ишчи-хизматчилар ўртасида кўплаб суҳбатлар ўтказилди. Кўнгилли ёнғин ўчириш гуруҳлари аъзолари билан амалий машғулотлар ташкил этилди. Уларнинг тайёргарлиги доимий равишда текшириб борилаяпти.

Бу каби саъй-ҳаракатлар туфайли ишлаб чиқариш технологияси бир маромда ишлашини таъминлаб, ёнғин ҳамда бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинмоқда.

**Р. РЎЗИЕВ.**

**ГИЁҲВАНДЛИК – УМР ЗАВОЛИ**

# ОНАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

## ёки ким айбдор?



...Суд мажлиси ҳали бошланмаган. Зал деярли бўш. Панжара ичида ўтирган судланувчи олдида икки нафар қоровул. Панжара ичидаги кишининг ёши қирқларда. У бошини эгиб ўтирибди. Гоҳида атрофга бефарқ назар ташлаб қўяди. На яқинларини ва на қариндошларини пайқайди. Биринчи қаторда кекса аёл ўтирибди. У судланувчига хавотир аралаш қараб-қараб қўяди, дамба-дам беихтиёр сизиб чиқаётган кўз ёшларини артади. Сезган бўлсангиз керак, у судланаётган йигитнинг онаси...

...Шу дамда она ва ўғил хаёлидан не ўйлар кечаётганини жуда-жуда билишни хоҳлардим...

...Андижон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг қабулига кекса аёл келди. У анча вақтгача бу ерга нима сабабдан келганини тушунтириб бера олмай, унсиз йиғлаб ўтирди. Ниҳоят яқинда амнистия бўйича озодликка чиққан ўғли Адҳам Йўлбоев яна эски ҳунарини бошлаб юборганини – уйдаги қўлга илинадиган нарсаларни ўғирлаб сотиб, пулига гиёҳвандлик воситалари олаётганини кўзига ёш олиб айтиб берди.

– Мен-ку майли, ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим, шўрлик болаларига қийин бўлаяпти, илтимос, ёрдам беринг, – деди.

Аёлнинг арз-шикоятини текшириб кўриш учун икки нафар тезкор ходим унинг уйига юборилди. Изқуварлар Адҳам Йўлбоевнинг хонадонини тинтув қилаётиб, яшириб қўйилган 680 грамм марихуана ва 0,72 грамм наша топишди...

... Зангори осмонда қуёш порлаб, узоқдан кўм-кўк тоғлар виқор тўкиб турибди. Ям-яшил япроқлар кўзни қувонтиради. Дунё нақадар гўзал. Ана шундай гўзал дунёда кимнидир озодликдан маҳрум этишса, панжарали машинада қамоқхонага олиб кетишса... Бунга ким айбдор?

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди А. Йўлбоевни беш йилга озодликдан маҳрум этиш, гиёҳвандлик дардидан мажбурий даволаш ҳақида ҳукм чиқарди.

**Борис КЛЕЙМАН.**

# АЛИШЕР НАВОИЙ МАРШАЛ БЎЛГАНМИ?



Ўзбек халқининг миллий, маданий, илмий тараққиёти ва тарихий манбалар дарак беришича, давлат ишларида ҳарбий кишиларнинг роли катта бўлган. Мозийда асосан уч тоифа вакиллари -диндорлар, ҳарбийлар ва



катта ер эгалари давлатни идора қилганлар.

“Авесто”нинг Ахурамазда худосига бағишланган мадҳияларида давлатни идора қилишда кўп сонли аскарлар ҳамда уларнинг лашкарбошилари иштирок этганлигидан дарак берувчи қиссалар мавжуд. Айнан ўша даврда хоразмликларнинг қадимги авлодлари массагетлар ва саклар қабилалари армиясининг асосий қисмини отлиқ аскарлар ташкил қилган.

Қадимий даврда отнинг инсон хизматига кириши ва ундан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш осиёликлар орқали тарқалган.

Хоразм эрамиздан аввалги III-II минг йилликларда жуда мустаҳкам давлатга айланган. Қудратли армиясига эга бўлиб, ўз давлатини ҳар қандай босқинчилардан ҳимоя қилиш кучига эга бўлган.

Қадимги манбаларда зикр этилишича, эрамиздан аввалги VI асрда Эронда вужудга келган Аҳмонийлар давлати Кавказ ва Ўрта Осиё халқларига хавф солмоқда эди. Эрон подшоси Кайхусрав қўшинлари Арманистонни бўйсундириб (эрамиздан аввалги 546 йилда), Орол денгизининг жануби-шарқидаги массагетлар ерига ҳам бостириб кирадилар. Аммо массагетлар босқинчиларни тор-мор қиладилар. Ривоятга кўра, массагетлар маликаси Тўмарис Кайхусравнинг бошини қон тўла мешга солдириб: “Сен қонга ташна эдинг ва ҳеч қачон қонга тўймадинг, мана энди тўйиб ол”, – деган экан.

Массагетларнинг енгил қуролланган отлиқ аскарлари жанг чоғида оғир қуролланган форс аскарларини ўзига хос стратегия асосида довдиратиб қўйишган. Душманни ўраб олиш, талмовсиратиш ва ёғий устига ёмғирдай камон ўқлари-ю, найзалар ёғдириш шулар жумласига кирган. Ҳужум режалари ниҳоятда пухта ишлаб чиқилгани боис, босқинчилар ҳолдан тойган. Рақиб қўшинлари чарчаб мадордан қолгандан сўнгтина суворийлар жангга ўтиб душманнинг қолган қисмини тор-мор қилганлар.

Тадқиқотчи Клара Моисеева “Заринанинг шамшири”номли тарихий қиссасида Марказий Осиёнинг отлиқ аскарлари ҳақида шундай ёзади: “Лашкар олдида чопарлар арғувон тулпорларини елдириб кетишарди. Отларнинг тилла ранг абзаллари қуёш нурида товланар, алвон наматлардан тикилган жулу шойи чакмонларнинг барлари шамолда байроқдек ҳилпирарди. Қуббали қалпоқларини қошларигача тортиб кийиб олган бу чавандозлар саклар йўлбошчиси Миромирнинг алп йигитларидан эди”.

Юқорида келтирилган тарихий манбалардан олинган мисоллардан кўриниб турибдики, қадимдан шаклланган ўзбек адабий тилининг ўзлашган лексик қатламларига эътибор берилса, ҳарбий соҳа билан боғлиқ атамалар айнан ўтмишда пайдо бўлганлигини англаб етамиз. Булар ҳарбий санъат бошқарувига оид атамалар бўлиб, ҳарбий лавозимлар, бўлинмалар, жанговар тайёргарлик ҳамда ватанпарварлик каби номланишларни ўз ичига олади. Ҳарбий соҳа билан боғлиқ ном ва тушунчалар қадимдан соф туркий тилида ҳам мавжуд бўлиб, ўз ўрнида ишлатиб келинган. Шунингдек, турли даврларда ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида арабча, форсча атамалар билан алмашиб қўлланилган.

Туркий халқларнинг эрамизнинг V асрларигача бўлган қадимий ёзувлари бизгача сақланиб қолмаган. Шу сабабли Хоразм ёзув битикларида қайд этилган унвонлар ҳақидаги маълумотлар ёзма равишда етиб келмаган. Фақат кейинги даврлардаги туркий халқларининг ёзувлари ҳисобланган руник, уйғур ёзувлари битикларида, шунингдек араб тили ва ёзуви манбаларида кишилар исмлари билан алоқадор ҳарбий унвонлар атамалари бизга маълум. Сардор, Баҳодир, Хожа, Тўра, Феруз, Бек, Нўъмон, Умаро, Соҳиб каби исмлар шулар жумласидандир.

Бу исмлар қуйидаги маънoларни англатган: Сардор – бошлиқ; Баҳодир – жасур, қўрқмас; Хожа – эга, бошлиқ; Тўра – фармон, буйруқ берувчи; Феруз – ғолиб, зафар қучувчи; Бек – эга, ҳоким; Нўмон – исми “нуён” сўзидан олинган бўлиб бахт саодат, меҳр; Умаро – амир; Соҳиб – давлатманд, ҳоким каби. Ҳарбий юришларни амалга ошириш унинг тактикасини ишлаб чиқиш, оломонни бошқариш услубларини жорий этиш ўша даврлардан бошланган.

Буюк давлат арбоби, астроном Мирзо Улуғбекнинг ёзишича, Ўғузхон ўзининг барча лашкар ва одамларини жамлаб, халойиқни етти қисмга бўлган.

**Биринчи қисми** “бужунғор”-қоровул, ҳозирги пайтда **“авангард”** маъносини билдиради.

**Иккинчиси “буронқор”** - турк тилда “яровул”, бу ҳозирги пайтда “арьергард” – қўшиннинг орт қисми, ҳимоячиси маъносини англатади;

**Учинчи қисми** “аванғор”, туркий тилда ўнг қўл (маймана) дейилади.

**Тўртинчи қисми** “жавонғор”, туркий тилда “сўл қўл” (майсара) дейилади.

**Бешинчи қисми** “қўл”, туркий тилда “яcов” дейилади, қўшиннинг асосий марказий қисмини билдиради.

**Олтинчиси “ўкжунғор”** туркий тилда “жангдовул” (соқа)-ҳужумга ўтиш маъноларини билдиради.

**Еттинчи қисми** “бўстонғор” бўлиб, “пистирма” (форс тилида камингоҳ) дегани.

Кейинчалик араблар ҳам, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўз ҳарбий бирлашмаларини, қўшинлар таркибини тузишда Ўғузхон яратган ҳарбий бирлашмаларнинг беш қисмидан фойдаланганлар.

Туркий халқлар, жумладан ўзбеклар тарихида қадимдан ҳарбий унвонлар мавжуд. Улар турлича номланиб келган. Тарихий унвонларни ҳозирги амалдаги ҳарбий унвонларга қуйидагича қиёслаш мумкин:

***-“оддий аскар” – “навкар”;***

***-“кичик сержант” – “сабзи сувора”;***

***-“сержант” – “сувора”;***

***-“катта сержант” – “чапандози сувора”;***

***-“лейтенант” – “баҳодир”;***

***-“катта лейтенант” – “хожа”;***

***-“капитан” – “тўра”;***

***-“майор” – “феруз”;***

***-“подполковник” - “бек”;***

***-“полковник” – “беклар-беги”;***

***-“генерал-майор” – “лашкар ферузи”;***

***-“генерал-лейтенант” – “лашкар баҳодири”;***

***-“генерал-полковник” – “лашкар беги”;***

***-“армия генерали” – “лашкарбоши”;***

***-“маршал” – “умаро”, “амир ул-умаро”;***

Она тилимизга давлат тили мақоми берилгандан кейин тилимиз бойлиги ҳисобланган барча сўзларни, шунингдек, турли соҳаларга оид атамаларни саралаб ишлатиш имкониятига эга бўлдик. Ўзбек адабий тили нормаси ҳисобланган кундалик турмушда қўлланилаётган аксарият сўзлар ҳам адабий тил қонуниятлари замирида ихчам, мазмундор тарзда ишлатиб келинмоқда. Ҳарбий атамалар ҳам мустақиллик даврида маълум қолипга солиниб, ўзининг тарихий-қиёсий тавсифини топа бошлади.

Аммо қадимги ҳарбий атамаларнинг тўлиқ мазмун-моҳиятини бугунги авлодларга етказиш учун давлат бошқарув тизими ва ҳарбий соҳа билан боғлиқ тарихий манбаларни пухта ўрганиш, шу соҳа атамаларининг турли даврларда турлича ном билан қўлланилиб келинганлигини аниқлаб, бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиб, ҳарбий унвонларга оид сўзларни саралаб ишлатиш зарурати туғилмоқда. Бу борада махсус тадқиқот ишлари амалга оширилиб, атама луғатлари тузиш керак.

Тарихдан бизга маълумки, “маршал” қўшинлар қўмондони бўлиб, Олий бош қўмондонга бўйсунади. “Умаро” ҳам Амир Темур Соқибқироннинг ўринбосари бўлган. Ҳусайн Бойқаро саройида Алишер Навоий “амир-ул умаро” яъни, “маршал” унвонига сазовор бўлган.

Бу ҳақда Бобур Мирзо шундай ёзади: “Ушбу йил(1496-1497 йил назарда тутилмоқда.Р.П.) Султон Ҳусайн мирзо била Бадиуззамон мирзо орасидағи ниқорлар урушқа тортти. Тафсил будурким, ўтган йил Балхни ва Астрабодни Бадиуззамон мирзоға ва Музаффар мирзоға бериб, юкундуриб эдиларким, нечук мазкур бўлди, ўшул муддаттин бу муддатқача ғалаба элчилар бордилар ва келдилар.

Охир Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд саъй қилдилар, Астрободни инисига бермакка ризо бўлмади. Дедиким, менинг ўғлим Муҳаммад Мўмин мирзони хатна қилғонда мирзо анга боғишлабтир”.

Алишер Навоий ҳақиқатан ҳам Ҳусайн Бойқаро саройида «амир ул-умаро» лавозимида бўлган, шоҳ ва унинг ўғиллари ўртасидаги можароларни бартараф этган. Мамлакатда содир бўладиган тартибсизликларнинг олдини олишда оқилона сиёсат олиб борган. Унда ҳам илм, ҳам ҳарбий истеъдод мавжуд бўлган. Алишер Навоий ёшлигидан отда сайр қилишни ва ҳарбий санъатни яхши билган. Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китобида Мир Алишерни шундай таъриф қилади; “Бу зот гўзал бир сиёсатдон эди. У моҳир қўмондон, ўткир қаламга эга адиб сифатида шуҳрат қозонди”

Юқоридаги тарихий маълумотлар шундан далолат берадики, ўзбеклар давлатчилигининг тарихи Хоразм заминида мавжуд бўлган беш минг йиллик давр ичида вужудга келган. Армия билан давлатчилик бирга ривожланган. Айнан Хоразм давлатчилигида ишлаб чиқилган ҳарб илмлари бутун дунёга таъсир кўрсатган. Эрамиздан аввалги уч минг йиллар илгари айнан Хоразмда биринчи бўлиб ҳарбий қўшинлар таркибида отлиқ аскар(суворийлар)лар пайдо бўлган. Бу янгилик кейинчалик бутун дунёга тарқалган. Кўриниб турибдики, ўзбекларнинг ҳарбий унвонлари узоқ мозийга бориб тақалади.

**Рофи ПАРДАЕВ,**
*истеъфодаги полковник.*



# POSTDA-TV

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

**«Россия», душанба**
**21.25 «ВЕЛЬВЕТ»**



Америкалик қиз Сара Браун ота-онасиз вояга етади. У Англияга холаси Вельветникига меҳмон бўлиб келади. Улар илгари умуман кўришишмаган эди. Айнан шу ерда Сара чинакамига балоғатга етади, янги дўстлар орттиради. Пойгачи отга меҳри тушиб қолади...

**Ролларда: Энтони Хопкинс, Кристофер Пламмер.**

**НТВ, сешанба**
**23. 55 «БЕГОНА САФДА» («В ЧУЖОМ РЯДУ»)**




Икки автомобиль тўқнашиб кетади. Натижада автоуловларнинг эгалари – омади чопган адвокат ва Жанубий Африка фуқароси бўлган киши бир-бирига чинакамига уруш эълон қилишади. Улар ғолиб чиқиш учун ҳар қандай ёвузликка тайёр. Билишмайдики, ҳар дақиқаси бебаҳо, азиз бўлган умрни бундай арзимас жанжалларга сарфлаш керак эмас.

**Ролларда: Бен Эффлек, Сэмюэл Л. Жексон.**

**НТВ, чоршанба**
**23.55 «КАМЗУЛ» («ПИДЖАК»)**



Жек Старкс Форс кўрфазидаги уруш ҳаракатларида иштирок этади. Жанг чоғида бошидан ярalangач, хотираси панд бера бошлайди. Ўзининг қотилликда айбдорми ёки айбдор эмаслигини эслай олмайди. Жек келажакка «саёҳат қилиб», тўрт кунлик умри қолганидан хабар топади. Энди унинг учун энг муҳими – ўзи севган одамларга ёрдам беришга улгуриш...

**Ролларда: Эдриан Броуди, Кира Найтли.**

**«Биринчи» канал, пайшанба**
**1.10 «ЖОУ Ю ПОЕЗДИ» («ПОЕЗД ДЖОУ Ю»)**



Малоҳатли Жоу Ю кичик шаҳарчада яшайди. Камтар-камсуқум шоир Чен Чинг қизнинг қалбини забт этади. Ҳар ҳафтада Жоу Ю поездга ўтириб, севгилиси билан учрашгани йўлга чиқади. То қувноқ йигит Чжанни учратгунича бу аҳвол давом этади. Энди қиз қалбидан ким ўрин олар экан?..

**Ролларда: Ли Гонг, Тони Леунг Ка Фай.**

**ДТВ, пайшанба**
**23.00 «ПОЛИЦИЯЧИЛАР ОИЛАСИ» («СЕМЬЯ ПОЛИЦЕЙСКИХ»)**




Тажрибали полиция терговчиси Пол Фейн ва унинг ўғли Эдди йирик ишбилармоннинг ўлдирилиши билан боғлиқ жиноят ишини тергов қилишади. Калаванниng учи бориб марҳумнинг енгилтабиат қизи Аннага ва Полнинг тарбияси оғир қизи Жеккига тақалади. Отаси ҳам, акаси ҳам Жеккининг айбдор эмаслигига ишончлари комил. Аммо буни исботлаш керак...

**Ролларда: Чарльз Бронсон, Дэниел Болдвин.**

**ТВ 3, жума**
**20.00 «ДЎЗАХГА САЁҲАТ» («ЭКСПЕДИЦИЯ В ПРЕИСПОДНЮЮ»)**




Улкан астероид қулаб тушгач, Ер пўстлоғида катта ёриқ пайдо бўлади. Бу ёриқ тобора катталашиб бораверади. Оқибатда йирик шаҳарлардан бири Ер қаърига равона бўлади. Ҳарбийлар ва олимлар фожианинг давом этишига йўл қўймаслик учун сайёрамиз тубига экспедиция уюштиришга қарор қилишади...

**Ролларда: Люк Перри, Натали Браун, Майкл Дорн.**

**НТВ, шанба**
**21.40 «ЖАНГАРИ ФИЛЬМНИНГ СЎНГГИ ҚАҲРАМОНИ» («ПОСЛЕДНИЙ ГЕРОЙ БОЕВИКА»)**



Ёш кино ишқибози Дэннига сеҳрли чипта насиб этади. У мўъжизакор чипта ёрдамида экраннинг нариги томонига ўтади – севимли қаҳрамони, машҳур полициячи Жек Слэйтернинг ёнида пайдо бўлади.

**Ролларда: Арнольд Шварценеггер, Мюррей Абрахам.**

**«Биринчи» канал, якшанба**
**12.40 «КЕЛИНЧАК» («Невестка»)**




Вадим билан Люба бахтли ҳаёт кечиришаётган эди. Аммо кутилмаганда кўнгилсизлик юз беради. Ўн саккиз ёшли ўғиллари улар билан бемаслаҳат уйланишга қарор қилади. Бунинг устига бўлажак келинлари Настя оғироёқ. Вадим ўғлига энди ноилож оқ фотиҳа бермоқчи бўлиб турганида яна бир кўнгилсизликдан хабар топади...

**Ролларда: Владислав Галкин, Алексей Нилов, Ксения Раппопорт.**

# ҚАМОҚХОНА ЁПИЛАДИМИ?

***Яқинда Вена шаҳрида бўлиб ўтадиган АҚШ–Европа Иттифоқи саммитида Европарламент вакиллари Гуантанамо базасидаги қамоқхонанинг ёпилишини талаб қилишмоқчи. Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат масалалари бўйича комиссари Бенита Ферреро–Вальднер «Уч маҳбуснинг ўз жонига қасд қилгани ушбу қамоқхонани ёпиш учун асос бўлади», – дея баёнот берди.***

Эсингизда бўлса, яқинда мазкур муассасада сақланаётган икки Саудия Арабистони фуқароси ва яманлик бир маҳбус ўзларини осиб ўлдиришган. Улар бир кишилик камераларда, кучли назорат остида сақланишаётган эди. Учаласи ҳам бундан бир неча ҳафта олдин бошқа маҳбуслар қатори очлик эълон қилишганди. Марҳумларнинг адвокатлари ушбу ҳолат юзасидан мустақил текширув ўтказилишини талаб қилишмоқда.





# ТЕРРОРЧИЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Шри-Ланкада автобус минага учраб портлаши оқибатида 58 киши қурбон бўлди, 48 йўловчи эса турли даражада тан жароҳати олишди, дея хабар қилади Рейтер агентлиги. Илгари маҳаллий полиция вакиллари 20 киши ҳалок бўлди, деб маълумот тарқатишганди.

Фалокат оролнинг марказий қисмида юз берди. Йўловчилар орасида мактаб ўқувчилари ҳам бор эди. Шу йил бошидан буён Жанубий Осиёда жойлашган ушбу мамлакатда турли хил қўпорувчиликлар туфайли қарийб 300 киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг 150 нафардан ошиқроғи тинч аҳоли вакилларидир. Бу мамлакатда 2002 йил февралида Норвегия воситачилигида ҳукумат ва «Тамил илама» Озодлик йўлбарслари» айирмачилик ташкилоти ўртасида тинчлик битими тузилган эди. Гарчи ўшандан кейин мунтазам армия ва жангарилар ўртасида бевосита жанговар ҳаракатлар олиб борилмаётган бўлса-да, вақти-вақти билан турли хил террорчиликлар юз бериб турибди.

# ХАВОТИРГА ЎРИН... БОР

Жанубий Кореяда яқинда ўтказилган сўровларнинг кўрсатишича, мамлакат аҳолисининг 70 фоиздан ошиғи Интернетдан кенг миқёсда фойдаланар экан. Аҳолининг ярмидан кўпи ўзларининг компьютер ўйинларига ружу қўйганликларини тан олишган. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, 9 ёшдан 39 ёшгача бўлганларнинг 60 фоизи мунтазам равишда компьютер ўйнайди. Миллиондан ошиқ киши азбаройи бунга берилиб кетганидан иштаҳаси йўқолган, гигиена қоидаларига риоя қилмай қўйган, жамоат ҳаётидан узилиб қолган. Айримлари ишини, ўқишини ташлаган . 2005 йилда мамлакатнинг 7 фуқароси узлуксиз компьютер ўйнаганлиги туфайли жисмонан ҳолдан толиб, айнан ўйин чоғида ўлиб қолишган. Ҳа, компьютердаги, Интернет тизимидаги баъзи бир кўнгилочар ўйинлар ҳақиқатан ҳам одамлар соғлиғига жиддий хавф туғдирмоқда.



# МИЛЛАТЧИ БЕЗОРИЛАР

***Тергов тахминига кўра, 2005 йил 5 сентябрида Москва метросининг «Фили» бекати ёнида уч талаба маст ҳолатда чеченистонлик хонанда Лиза Умарованинг ўғлини калтаклашади. Орадан бир соат ўтиб ўша яқиндан ўтиб кетаётган яҳудий миллатига мансуб кишига ташланишади. Яқинда ана шу талабалар устидан суд жараёни бўлиб ўтди.***

Хонанданинг айтишича, безорилар унга: «Ўғлингни олиб, Россиядан йўқол»,–деб бақиришган. Зўравонлардан бирининг кўкрагидаги татуировкада фашистлар рамзи акс этган эди.

Суднинг қарорига кўра, талабалардан Алексей Петренко бир йилга, Сергей Багров тўққиз ойга озодликдан маҳрум этилди. Айбланувчилардан учинчиси – Артур Белов жабрланувчилар билан ярашгани учун жавобгарликдан озод этилди.

# АТАЙЛАБ ЯШИРИШЯПТИМИКАН?..

***АҚШ парламентининг қуйи палатаси мамлакатнинг 66 миллиард доллар миқдорида кўзда тутилмаган ҳарбий харажатларини молиялаштириш бўйича қонун лойиҳасини тасдиқлади, дея хабар қилади AFP агентлиги. Ҳужжат Сенат томонидан маъқуллангач, АҚШ Президенти Жорж Буш уни имзолайди.***

Қонун лойиҳасини Вакиллар палатасида муҳокама қилиш чоғида Демократик партия аъзолари Оқ уй маъмурияти Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий операцияларнинг ҳақиқий миқёсини жамоатчиликдан яшириш учун бу сарф-харажатларни атайлаб бюджетга киритишмайди, дея фикр билдиришди.

AFP агентлигининг маълумотларига кўра, сўнгги уч йил давомида Ироқда олиб борилаётган уруш ҳаракатларига 320 миллиард, Афғонистондаги ҳарбий операцияларга эса 89 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфланган.



# БОШ ВАЗИР ТАЙИНЛАНДИ

***Литва Президенти Вальдас Адамкус шу пайтгача вақтинчалик ҳукумат бошлиғи вазифасини бажарган Зидмантас Бальчитисни Бош вазир этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекди.***

Шу йил апрель ойида Сейм ўз раиси Артурас Паулаускасни истеъфога жўнатгач мамлакат ҳукуматида муаммолар бошланган эди. Шундан сўнг беш вазир ҳукуматни тарк этди. Май ойи охирида Литва Бош вазири Альгирдас Бразаускас ҳам мамлакат Президентига истеъфога чиқаришини сўраб ариза берди.

# ПАРЛАМЕНТДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Чоршанба куни Фаластин парламенти биносини яна ФАТХ ҳаракати тарафдорлари эгаллаб олишди. Бу гал бинога бир неча ойдан буён маош тўланмаётган давлат хизматчилари бостириб киришди. Улар ХАМАС ҳаракати вакиллари бўлган депутатларга ташланишди. Бир неча киши стол устига чиқиб олиб: «Биз очмиз!» деб бақиришди. Орадан 45 дақиқа ўтиб, залда тартиб ўрнатилди.

Шу куни иккала гуруҳ жангарилари ўртасида отишмалар ҳам бўлиб ўтди. Натижада Маҳмуд Аббоснинг бир тарафдори яраланиб, ХАМАСнинг бир вакили отиб ўлдирилди.

Эслатиб ўтамиз, Фаластин Мухториятининг раҳбари Исроилни тан олиш борасида референдум ўтказиш ғоясини илгари сургач, сўнгги пайтларда ФАТХ ва ХАМАС ўртасидаги низолар кучайиб кетди.



# МАШҲУР ЖОСУС ВА ... БОҒБОН



***Машҳур фильм қаҳрамони – жосус Жеймс Бонднинг ҳаётидаги прототипларидан бири бўлган жаноб Питер Смизерс ўзининг Швейцариядаги уйида 93 ёшида вафот этди. У Иккинчи жаҳон уруши даврида Қироллик Ҳарбий денгиз кучларининг кўнгиллилари сафида хизмат қилади. Сўнг уни махфий хизматга ўтказишади.***

Урушдан кейин сиёсат билан шуғулланиб, ташқи ишлар вазири даражасигача кўтарилади. Шунингдек, Европа Кенгаши Бош котиби лавозимида ҳам фаолият кўрсатади. Сиёсатни тарк этгач, миришкор боғбон сифатида донг таратади. Унинг Швейцариядаги Лугано кўли яқинида жойлашган боғи қадимги Рим давридан буён бунёд этилган беш юзта машҳур боғлардан бири саналади.

# ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МУҲАНДИСИ

Халқимизнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев 60 ёшга тўлди. Киши бу ёшда беихтиёр ортига бир назар ташлаб, ўтган умрини сарҳисоб қилишга эҳтиёж сезади. Шу пайтгача қандай яхши ишлар қилишга улгурдим, бехуда яшамаяпманми, деб ўз-ўзига савол беради.

Ёдгор ака ортига назар ташлаб ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки сал кам 35 йиллик ижодий фаолияти давомида 200 дан ортиқ ранг-баранг образлар яратди, 700га яқин фильмларга овоз берди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик асари асосида 20 қисмдан иборат «Шайтанат»номли бадиий фильмини суратга олиб, халқимизнинг олқишига сазовор бўлди. У театр ва кинода шоҳ Бобур, Ибн Сино, «Диёнат» видеофильмидаги Жаббор каби кўплаб образлар яратди.

Севимли актёримизнинг ўзбек театр ва кино санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси республикамиз ҳукумати томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ артисти» юксак унвонига, Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган. Қолаверса, миллионлаб мухлисларининг меҳру муҳаббатини қозониб улгурган.

Ёдгор аканинг оналари ўғилларининг ўсиб улғайиб келажакда муҳандис бўлиб етишишларини ният қилган эканлар. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, волидаларининг орзулари ушалди. Ёдгор Саъдиев инсон қалбининг, руҳининг муҳандиси бўлиб етишди. У ўзи ижро этган ролларда турли-туман феъл-атворли инсонларнинг ички оламини маҳорат билан ифодалайди. Санъаткор яратган образлар — улар ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий бўлсин охир-оқибат кишиларни эзгуликка чорлайди, эл-юртга, ҳаётга муҳаббат, ёвузликка нафрат руҳида тарбиялайди. Зотан, ҳақиқий санъатнинг асл мақсади, вазифаси инсонлар қалбига эзгулик уруғини сочиш эмасми? Ана шундай юксак мақсадлар йўлида хизмат қила олган санъаткор эса чинакамига бахтлидир.

**Алишер ШАРАФУТДИНОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник.*

## САНЪАТ САҲНАСИДА

**Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиевга**

Ҳар ким хуш сўз айтар дўсту ёр учун,
Кимдир тилак қилар номус-ор учун.
Менинг ҳам тўрт мисра шеър айтгим келди,
Санъат саҳнасида Ёдгор бор учун.

*Бахт тилаб бозорга бормайди оқил,*
*Санъат самосида учмайди жоҳил.*
*Саҳнани меҳробдек азиз тутганнинг*
*Қалбин дарёсига саодат соҳил.*

Унсиз бўғса ҳамки ҳасад сиртмоғи,
Тунни тилиб ташлар ҳавас чақмоғи.
Ёдгор Саъдиевни ойга бўйлатди,
Бобур сиймосида тафаккур тоғи.

*Олтмиш ёш Оллоҳнинг олтин ёшидир,*
*Шу ёшга етганнинг олтин бошидир.*
*Ҳар бир Ёдгорингни дуо қил, элим,*
*Кўз ёшинг ширини севинч ёшидир.*

**Маҳмуд ТОИР,**
*Ўзбекистон халқ шоири.*



# САОДАТЛИ АКТЁР

***Бир донишманд бобокалонимиз айтганларидек: «Умр деганлари мисоли икки эшик орасидек қисқа экан. Унисидан кириб, бунисидан чиқиб кетганингни билмай қоларкансан»...***

Кечагина Тошкент театр ва рассомчилик институтидан тўғри театр саҳнасига қадам қўйган, «Мирзо Улуғбек» спектаклида илк ролини ижро этиб, санъатсеварлар қалбини забт этган ёшгина Ёдгор бугунги кунда Ёдгор Ҳабибович Саъдиев бўлиб, 60 ёшни қаршилаётир.

Дарҳақиқат, умр — оқар дарё. Ўтган олтмиш йил давомида Ё. Саъдиев ҳаётда жуда кўп нарсаларга эришди. Ҳар поғонаси машаққатли меҳнат, тинимсиз ижоддан иборат бўлган санъат пиллапояларидан аста-секин кўтарилиб борди. «Қароқчилар» спектаклида Карл Морр, «Уйланиш»да Кочкарёв, «Қор маликаси»да эртакчи, «Бой ила хизматчи»да Ғофир, «Ословни ташлама, Прометей»да Прометей каби бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи мураккаб образларни маҳорат билан талқин этди.

Иқтидорли актёр тезда ўз мухлисларига эга бўлди. Унинг иштирокидаги спектаклларни кўриш истагида пойтахтга, ҳаттоки, чекка вилоятлардан ҳам томошабинлар келишар, чипта олиш учун керак бўлса, соатлаб навбатда туришдан ҳам чарчамасдилар. «Ғариблар», «Юлдузли тунлар», «Рўйхатларда йўқ», «Ойна», «Меҳробдан чаён» спектаклларида ижро этган роллари унинг ижод чўққисига кўтарилишида катта омил бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Айниқса, 1983 йили Ё. Саъдиев учун унутилмас хотира бўлиб қолди. Чунки шу йили у «Рўё» спектаклидаги ажойиб роли учун «Йилнинг энг яхши эркак роли ижрочиси» совринига сазовор бўлди.

Ёдгор Саъдиевнинг кинодаги ижодий фаолияти ҳам анчайин қизғин кечди. «Дилбарим» (Абдусалом), «Ўн уч терак кўчаси» (Олимжон), «Армон» (Дадабўри), «Енгилмас» (Шайх Жаъфар) каби бир қатор фильмлар серқирра ижодкорни эл орасида анча машҳур этди. Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари асосида яратилган шу номли фильми Ё. Саъдиевнинг ижоди юксак чўққига кўтарилган палларда яратилди. Фильм 20 қисмдан иборат бўлиб, Ёдгор аканинг ўзлари режиссёр сифатида фильмга бор меҳрларини берди. Ундаги бош роль ҳисобланмиш ўта мураккаб характерли Асадбек образини яратиш санъаткор учун осон бўлмади. Собиқ шўро даврида кўз олдида қулоқ қилинган отасини олиб кетаётганларидаёқ қалби заҳарли зардоб билан тўлган, қасос йўлини тутиб, йўлдан адашган Асадбекни томошабинга бор ҳолича кўрсатиш учун Ё. Саъдиев бор маҳоратини ишга солди. Натижада фильм кўпларнинг эътирофига лойиқ бўлди.

Аммо «Шайтанат»гача Ё. Саъдиев телефильм, видеофильм, телепостановкаларда ҳам маҳоратини синаб кўрди. «Абу Али ибн Сино»да буюк бобомиз ролини маромига етказган бўлса, «Диёнат»да Жаббор, «Гирдоб»да Йўлдош, «Имон»да Орифжон, «Сўнгги ўқ»да Жаҳонгир ролларини шунчалик маҳорат билан ижро этдики, ҳатто маълум бир вақт оралиғида гоҳида Жаббор, гоҳида Йўлдош ва яна Жаҳонгир бўлиб, ўз исмини ҳам «унутаёзди».

Яратган иқтидордан қисмаган Ё. Саъдиев дубляж соҳасида ҳам ижод қилди. 700 га яқин фильмда ўз овозини қолдирди. Меҳнатлари юқори баҳоланиб, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати бўлди. 1998 йилда эса Ўзбекистон Халқ артисти деган юксак унвонга мушарраф бўлганида нафақат ўзи, шунинг баробарида минглаб мухлислари ҳам чексиз қувонишган бўлса ажабмас.

Айни кунларда Ёдгор ака Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти қошидаги «Qalqon» студиясининг бадиий раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Юбилей арафасида Ёдгор акага савол бердик:

— Сизга қараб қирчиллама ёшли йигитни кўрамиз. Бир дангал саволимизга жавоб берсангиз — кексаликни тан оласизми?

Шунда у киши кулиб дедилар:

— Кексалик... Нима ҳам қиламиз, ҳаёт ўтиб боряпти. Хоҳлаймизми-йўқми, бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, «кексалик саодати» бошимизга тушади. Илоҳим, ҳар ким шу кунларга етсин. Ва яна «фалончи ёмон қарибди» деб эмас, «юзларидан нур ёғиладиган отахон бўлибди», дейишсин. Келинг, сизга шу яқин кунларда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай.

Бир киши анчагина эзма экан. Ишхонасида ҳам бўлар-бўлмас гаплари билан кўпларни безор қилиб юбораркан. Ниҳоят, вақти келиб пенсияга кузатишибди. Ишлаб ўрганган одам эмасми, уйда роса зерикибди. «Кел, — дебди, — неварамга бир насиҳат қилиб қўяй. Ахир, мен ҳам энди насиҳатгўйлар қаторига кириб қолдим». Сўнг 14-15 ёшли набирасини чақириб гап бошлабди: «Энди, болам, мени сўзларимга қулоқ сол. Мана, сенга битта чўп. Шуни синдирчи». Набира чўпни осонгина синдирибди. «Яхши, — дебди ҳалиги киши. — Ана энди мана бу бир боғлам чўпларни синдириб бер». Набира боғламни ҳам бир ҳаракат билан синдириб қўйибди. Шунда ҳалиги киши нима дермиш денг. «Э-э-й, болам, шундоқ ҳикматни расво қилдинг-а». Ана шу кишидек кексаликда нима қилишни билмай, насиҳатни ҳам ўрнига келтира олмай, набира-абиралар олдида уялиб қолишдан асрасин.

Ёдгор ака Саъдиевга «икки эшик ораси»даги ҳаётда иккинчи эшиккача етиб боришлари учун яна юз йиллар тилаб қоламиз.

**Э. САЙФИДДИНОВ.**



DETEKTIV TOPSHIRIQ

# BILAGUZUKNI KIM O'G'IRLADI?

— Kim bor? Iltimos, yordam beringlar!

— Tinchlikmi, nima bo'ldi? — dedi sohilda dam olayotgan qizning bezovta qichqirig'ini eshitib yetib kelgan izquvar.

— Men bu yerga har kuni cho'milgani kelaman. Bugun ham odatdagidek bilaguzugimni yechib, oqiyotgan kitobimning ustiga qo'ygandim. Keyin bir fursat uyquga ketib qolibman. Uyg'onib qarasam, bilaguzugim yo'q.

Izquvar atrofni sinchiklab ko'zdan kechira boshladi. Qiz dam olayotgan joydan ikki-uch metrlar chamasi uzoqlikkacha birorta ham begona iz yo'q. Shunda izquvar bu hodisaning nima bilan tugashini qiziqib kutib turgan cho'miluvchilarga diqqat bilan razm soldi va soniyalar ichida bilaguzukni kim o'g'irlaganini aniqladi. O'g'ri atrofni o'rab turganlar orasida edi.

**Topshiriq:** rasmga yaxshilab razm soling va izquvar kimni o'g'irlikda ayblayotganligini toping.



**Javob:** Izquvar atrofni o'rab turganlar orasida qarmoqli kishini ko'rib qoldi va bilaguzukni qarmoq yordamida aynan shu kishi o'g'irlaganini to'g'ri topdi.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| "Vatan himoyachilari kuni» (Yanvar) | → | | Shimoliy Farg'ona kanali uzunligi (km) | «Yunesko» tashkil topgan yil | → | ↓ | | ↓ | Qabrni tahqirlash (JK) ..-modda |
| | | ↓ | ↓ → | O'zbekiston mustaqil bo'lgan yil | Militsiya | 1995 yilda tug'ilganlar ... yosh | ↓ | $\sqrt{25}=?$ | ↓ |
| Nona | → | 7x7=? | | | ↓ → | Mersedes ... (mashina) | $7^2$ | Chorshanba ...-inchi kun | → |
| Il-... (samolyot) | ↓ | | → | + 403 413 ? | | → | Yosh .., 30, 40 ishq deb.. (Yu. Usmonova) | M. Behbudiy hajga borgan yil | |
| ↓ | «Uy-joy kodeksi» tasdiqlangan yil | ↓ → | A'lo baho | ↓ | Bezorilik (JK) ..-moddasi | | | ↓ → | − xxx 91 500 |
| → | F.. (kompyuter tugmasi) | Oyning ..i qorong'u ..i yorug' | Yaxshi baho | Yomon baho | ↓ | ↓ | ↓ | → | 2 yildan so'ng |
| Bosqinchilik (JK) ..-moddasi | → | | ↓ | Kech soat o'n bir | | Qutqaruv xizmati | To'g'ri burchak ... gradus | | Qo'l barmoqlari ... ta |
| | → | Yigirmaning teskarisi / 90 ning uchdan biri | 4 yilda fevral ... kuni | ↓ | | OAV lari kuni (iyun) / 97ning aksi | 9x10+1=? | → | ↓ |
| ↓ | ↓ | ↓ | ↓ | → | Marg'ilonning kodi | ↓ | ↓ | ..ga kirmagan kim bor | |
| Tez yordam | 7-may yilning nechanchi kuni | | → | Ma'lumotnoma byurosi | | | | → | 20 yoshlilar tug'ilgan yil |

Yuqoridagi skanvordni yechish uchun faqat 0 dan 9 gacha bo'lgan raqamlardan foydalanishingiz kerak.

**Tuzuvchi: Hafiza ASAL.**



## DO'STONA SUHBAT

— Hurmatli haydovchi,
Ehtiyot bo'ling.
Belgilar bor yo'lda,
Siz amal qiling.

**Qoida buzsangiz,**
**Hushtak chalaman.**
**To'xtatib so'ng sizga,**
**Tanbeh beraman.**

Hech xafa bo'lmaydi,
Ota-onangiz.
Siz katta yo'lda,
To'g'ri yursangiz.

**— Hurmatli posbon,**
**Sizni tushundim.**
**Serqatnov yo'lda,**
**Ehtiyot bo'lgum.**

Kattakon rahmat,
Sizga chin dildan.
Sog'lik tilayman.
Men chin ko'ngildan!

**Erkin SATTOROV.**

## SO'Z O'YINI

Kataklarda «Til» bo'g'ini bilan boshlanadigan so'zlarni yozib, so'z boyligingizni sinab ko'ring.

| | | |
|---|---|---|
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |
| TIL | | |



## QAYSI ASAR?

Kitob muqovasidagi harflarning bir tarafi tushirib qoldirilgan. Ularning har birini chiziq bilan to'liq holga keltirib, jumboqni hal eting.

**Javob:** Alpomish






# ТОҒ КЎЛИДАГИ МЎЪЖИЗА

### ОКЕАНДАН МИНГЛАБ ЧАҚИРИМ ОЛИСДА

Бундан ярим аср аввал жаҳон матбуотида Англиянинг «Скоттиш Игл» теплоходи капитанининг ҳикояси катта шов-шувга сабаб бўлганди. Ундан олинган қуйидаги парчага диққат қилинг:

***«1955 йил 25 апрелда Форс кўрфазининг марказида сузиб кетаётган эдик. Ярим тунда мени вахта штурмани ҳаяжонланиб чақириб қолди. Қарасам, кеманинг икки томонида иккита олов шар тинимсиз айланарди. Чап борт томондаги шар соат миллари бўйича, ўнг бортнинг тепасидаги олов шар эса соат милларига тескари ҳаракатланарди».***

Бу ҳодисани бировлар «олов шар», кимдир «шайтоннинг от ўйини», баъзилар «атлантларнинг прожектори» деб аташади. Бизнинг кунларимизда ҳам юқоридаги ғайриоддий табиат ҳодисаси юз бериб туради. Кўпинча уни тунда денгиз кенгликларида қайд этишади.

### ПОМИРДАГИ ЗИЛЗИЛА

Табиий офатлар баъзан яратувчилик хусусиятига ҳам эга. Масалан, Помир тоғидаги Сарез кўли бу ерда 1911 йил февралида юз берган зилзила туфайли пайдо бўлган эди. Кучли ер ости силкинишлари оқибатида Усой қишлоғи тоғ жинслари тагида қолди. Унинг ёнида эса тўрт томонини қояли тошлар ўраган кўл пайдо бўлди. Мурғоб дарёси ярим йил ичида уни сувга тўлдирди.



Ҳозир ушбу кўлнинг узунлиги 75 км келади. Унинг сув ҳажми 17 миллиард тонна. Бу Амударёнинг бир йиллик суви дегани. Мўъжиза ана шу кўлда юз берган. Нодир табиат ҳодисасига гидрология фанлари номзоди Марат Носиров гувоҳ бўлган.

### ҚУЁШДАН ҲАМ ЁРҚИНРОҚ ЭДИ

Олим шундай ҳикоя қилади. У икки ҳамроҳи билан тўғон устида турганида, тўсатдан сув остида доира шаклида ёрқин доғ пайдо бўлган. Гувоҳнинг таъкидлашича, воқеа куппа-кундуз куни юз беради. Зангори куз осмонида қуёш чарақлаб турарди. Аммо сув остидаги ғаройиб доғдан тарқалаётган нур ёғдулари қуёшдан ўтса ўтардики, лекин қолишмасди. Киши кўл тубида ниҳоятда қувватли ёруғлик манбаи бор деган хаёлга борарди.

Ярим дақиқалардан сўнг ғалати доғ олов шар тусини олиб, соат миллари бўйича айлана бошлади. Унинг ҳаракати борган сари тезлашарди. Лекин сув юзаси озгина бўлса-да, тўлқинланмасди. Олов ғилдирак сув тубидан кўтарилаётгандек кишида тасаввур уйғотарди.

Носиров кўз олдида юз бераётган ҳодисадан шунчалик лол бўлиб қолгандики, соатига қараш ҳатто хаёлига ҳам келмабди. Унинг ҳамроҳлари ҳам шу ҳолатда эди.

Бора-бора олов ғилдиракнинг айланиши секинлаша бошлади. Сўнг ёруғ доғга айланиб, кўл тубига гўёки чўкиб, аста кўздан ғойиб бўлди. Эколог эртасига, индинига теварак-атрофдаги қишлоқларда, яйловларда бўлиб, аҳоли, чўпон-чўлиқ, гиёҳ терувчилар билан суҳбатлашди. Қарангки, олов шарни ўз кўзлари билан кўрган ўнлаб гувоҳлар топилди. Уларнинг ҳикояларини, турар манзилларини ёзиб олди.



### ДАҲШАТЛИ ХАВФ

Доктор Носировнинг фикрича, кўлга ҳам, унинг атрофидаги аҳолига ҳам кўчки хавф солаяпти. Гап шундаки, кўлнинг ўнг қирғоғидаги қояларнинг сувга қулаб тушиш хавфи мавжуд. Агар кўчки юз берса, кўл юзасида баландлиги 250 метр келадиган тўлқин кўтарилади. Натижада омонат бўлиб қолган тўғон бузилиб, сув йўлида учраган ҳамма нарсани оқизиб, соатига 80 километр тезликда пастга интилади.

### ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАРНИНГ ИШИМИКАН?

Замонавий фан тунда денгиз узра сирли шуъла пайдо бўлишини нур таратувчи бактериялар, сув ўтлари, медузалар, қуртлар ва балиқлар билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Багам ороллари яқинида тадқиқот олиб борган Ч. Шеппард шундай ёзган эди: ***«Денгизга тўр ташлаганимизда унга бутасимон маржон полиплари илинди. Улар шунчалик ёрқин нур сочишардики, ҳатто палубадаги машъалалар хира тортиб қолди гўё».***

Аммо Сарез кўлида ҳеч қанақа нур сочувчи маржон полиплари ёки балиқлар йўқ. Унда оловли шарнинг сири нимада экан? М. Носиров экспедициядан қайтгач, сирли ҳодиса билан боғлиқ ўзига хос илмий фаразни илгари сурди. Экологнинг тахминича, Помирга анчадан буён ўзга сайёраликлар қизиқиб қолган. Бу ўлкада уларнинг қанчалаб махфий базалари жойлашган бўлиши мумкин. Мабодо кўлнинг ўнг қирғоғи ҳақиқатан ҳам емирилиб кетса, ўзанидан чиққан оқим ана шу базаларнинг айримларига зиён етказиш эҳтимоли бор. Шунинг учун ўзга сайёраликлар ҳаракатга тушиб қолишган кўринади.

Фалокатнинг олдини олишнинг эса йўли осон. Бунинг учун тўғонни тешиб, кўлнинг сувини камайтириш керак. Келгиндилар тунда сув остида чироқ ёқиб, махсус техникалари ёрдамида тўғон деворини тешаётган бўлишлари мумкин.

Шу йил ёзда М. Носиров яна кўлга илмий экспедиция уюштирмоқчи. Текшириб кўрганида, агар сув сатҳи пасайган бўлса, демак, тахмини тўғри чиқади.

# «БОР КУЧИМНИ АЯМАЙМАН»

***Нуфузли чемпионатларда Ўзбекистон Республикаси байроғини юқорига кўтариш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Пойтахтлик Шерзод Сулаймонов спорт оламида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёш чемпионлардан биридир.***

... 1987 йил 29 октябрда Юнусобод тумани «Адолат» маҳалласидаги Сулаймоновлар хонадонида ўғил дунёга келди. Ота-она бу гўдакка келажакда шеркелбат паҳлавон бўлиб етишсин деб унга умид билан Шерзод деб исм қўйишди. Йиллар ўтиб, Шерзод болалигиданоқ аникроғи, 7 ёшида спортга меҳр қўйди. Дастлаб футбол, кейин каратэ тўгаракларига қатнашди. Мана 6 йилдан буён спортнинг кикбоксинг тури билан шуғулланиб келмоқда.

2001 йил муай-тай бўйича республика чемпионатида қатнашиб, биринчи ўринни банд этолмаганидан хафа бўлган эди. Шунда «Динамо» ЖТСЖ мураббийи Адҳам Рашидов:

«Агар спортчи бирдан чемпион бўлса, у ҳавойи бўлиб кетади. Мағлубият аламини татиб кўрсагина юксак чўққиларни забт эта олади», — деган эди.

Шундан сўнг Шерзод устоз, мураббийлари сўзларига амал қилиб, ўз устида қаттиқ ишлади, машғулотларда фаол қатнашди. Натижада бир йилдан сўнг муай-тай бўйича республика чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Секин-аста қатор чемпионатлар совриндори бўла бошлади. 2003 йил қўл жанги бўйича халқаро турнирда, 2004 йил шарқ якка курашлар мусобақасида биринчи ўринни олиб, спорт устаси унвонига эга бўлди. 2005 йил майида Осиё ҳамда 2006 йил апрель ойларидаги кикбоксинг бўйича Жаҳон чемпионатларида шоҳсупанинг юқори поғонасини банд этди.

Ҳозир Шерзод Қибрай тумани қишлоқ хўжалик коллежида аъло баҳоларга ўқимоқда. Дарсларга, мусобақа ва машғулотларга улгуриши унинг тиришқоқлигидан далолатдир.

— Айрим пайтларда мусобақа, машғулотларда оёғим ёки юзимдан жароҳат олишга тўғри келади, — дейди чемпион. — Уйга келганимда ойим «қўй, болам, шу спортингни, тинчгина юргин» дея койиб берадилар. Мен эса уни ҳечам ташлай олмайман. Негаки спорт — менинг ҳаётим.

Шерзод бўш вақтларида мусиқа тинглашни ёқтиради. Ҳаттоки айрим пайтларда мусиқа жўрлигида шуғулланадиган одати ҳам йўқ эмас. Оилада эса икки сингилнинг меҳрибон акаси.

— Келажакда чемпионлик мавқеимни янада мустаҳкамлаб, мамлакатимиз байроғини доим юқорига кўтаришга ҳаракат қиламан, — дейди Шерзод. — Шунингдек, спорт билан бирга, ички ишлар идораларида ишлашни орзу қиламан. Орзуимни амалга ошириш учун бор билим, куч-ғайратимни ишга солмоқчиман.

Дарҳақиқат, орзу мақсад сари интилаётган ёш чемпионлар юртимизда кўпаяверсин. Зеро, Президентимиз айтганидек «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт».

**Ф. Азизжон**

***Яқинда Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ва «Динамо» ЖТСЖ ташаббуси билан спортнинг қўл жанги тури бўйича мусобақалар ўтказилди.***

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Беллашувларда ички ишлар идораларидан 20 та жамоа иштирок этди. Олти вазн тоифасида ўтказилган мусобақалар натижасига кўра умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жанговар ҳаракатдаги отряди жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва Ўзбекистон тумани ИИБ жамоаларига 2 ва 3-ўринлар насиб этди.

Шахсий биринчиликда катта лейтенантлар Элмурод Раҳимов, Баҳодир ,Мирзаев, Адишер Маҳмудов, лейтенантлар Азизбек Халилов, Отабек Абдуллаев, Мўминжон Бойматов, сержантлар Сирожиддин Орипов, Жасур Аҳмаров, Воҳиджон Орипов, Илҳом Йўлдошев, кичик сержантлар Абдувоҳид Йўлдошев, Насрулло Сатимов, Умид Назаров, сафдорлар Араббой Умаров, Каримжон Ашуралиев, Аҳрор Ҳайдаров, Шерзод Солиевлар юксак даражадаги жисмоний тайёргарликларини намойиш этиб, ўз вазн тоифаларида юқори натижаларга эришдилар.

Мусобақалар якунида дипломлар, вилоят ИИБ ва «Динамо» ЖТСЖ томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совринлар топширилди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**

# ҚЎЛ ЖАНГИ БЎЙИЧА МУСОБАҚА

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида спортнинг қўл жанги тури бўйича республика Ички ишлар вазирлиги чемпионати бўлиб ўтди. Унда ИИВ таълим муассасалари ва барча вилоятлар ИИБ вакиллари иштирок этишди. Спортчиларимиз 65, 70, 80, 85 килограмм ва ундан оғир вазнларда беллашдилар. Уч кун давом этган мазкур мусобақа кескин курашлар остида ўтди. Айниқса, Ички ишлар вазирлиги, ИИВ Академияси, Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилояти ИИБлари, ходимларининг ўртасида бўлиб ўтган беллашувлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Спортчилар ўзларининг мусобақага ҳар томонлама мукаммал тайёргарлик кўрганликларини намойиш этдилар.



Чемпионат якунига кўра фахрли 1-ўринни эгаллагани учун Тошкент вилояти ИИБ терма жамоаси биринчи даражали диплом, кубок ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ терма жамоасига иккинчи даражали диплом, республика Ички ишлар вазирлиги терма жамоасига эса учинчи даражали диплом, кубок ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Вазнлар бўйича ўтказилган мусобақаларда ИИВ Академияси спортчиси Ш. Салимов, Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти вакили Э. Қодирқулов, Самарқанд вилояти ИИБдан С. Тагиев, Ички ишлар вазирлигидан С. Юлдашев, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти вакили З. Садинов ва Тошкент вилояти ИИБ вакили Ў. Машраповлар шоҳсупанинг юқори поғонасини эгалладилар. Уларга олтин медаль, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Ўз вазнлари буйича 2-ўринни эгаллаган спортчилар ҳам муносиб тақдирландилар.

Мусобақа сўнгида ғолиб ва совриндорларни республика ИИВ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, полковник А. Юнусходжаев самимий қутлаб, иштирокчилар номидан чемпионатни самарали ўтишига яхши тайёргарлик кўрганлиги учун вилоят ИИБ раҳбарияти ҳамда шахсий таркибига миннатдорчилик билдирди.

**Шерали АНВАРОВ,**
*капитан.*

# СПАРТАКИАДА ЯКУНЛАНДИ

Аввал хабар берганимиздек, Қарши шаҳрида 10-12 июнь кунлари республика аёллар иккинчи спартакиадаси бўлиб ўтди. Аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, корхона, ташкилот, муассасалар, маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш мақсадида ташкиллаштирилган бу галги спартакиада қатнашчилари спортнинг 8 тури бўйича баҳс олиб боришди. Унда иштирокчилар ўзларининг нималарга қодир эканликларини яққол намоён этдилар. Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Андижон, Наманган вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

Мусобақа якунига кўра номинациялар бўйича ғолиб чиққан жамоаларга совғалар топширилди. «Энг яхши тайёргарлик кўрган жамоа» номинациясига Тошкент шаҳри жамоаси лойиқ деб топилди. Уларга Президент совғаси «Дамас» автомобили топширилди. «Мусобақаларни юқори даражада ташкил этган жамоа» сифатида Қашқадарё вилоят вакиллари ҳамда «Аёллар ўртасида спортни тарғиб қилган жамоа» деб топилган Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ҳам Президент совғаси «Дамас» автомобилига сазовор бўлишди.

Шунингдек, «Энг қувноқ жамоа», «Энг жозибали жамоа», «Чекка қишлоқ аёлларини жалб қилган жамоа» ва яна бошқа кўплаб номинациялар бўйича бир қатор вилоятлар жамоалари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Б. ЭРГАШЕВ,**
*лейтенант.*

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2006
# ГЕРМАНИЯ. 9 ИЮНЬ – 9 ИЮЛЬ




### A гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 9 июнь. | 21:00 Германия – Коста-Рика | 4:2 |
| | 24:00 Польша – Эквадор | 0:2 |
| 14 июнь. | 24:00 Германия – Польша | 1:0 |
| 15 июнь. | 18:00 Эквадор – Коста-Рика | 3:0 |
| 20 июнь. | 19:00 Эквадор – Германия | _:_ |
| | 19:00 Коста-Рика – Польша | _:_ |

### B гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 10 июнь. | 18:00 Англия – Парагвай | 1:0 |
| | 21:00 Трин. ва Тобаго–Швеция | 0:0 |
| 15 июнь. | 21:00 Англия – Трин. ва Тобаго | 2:0 |
| | 24:00 Швеция – Парагвай | 2:0 |
| 20 июнь. | 24:00 Швеция – Англия | _:_ |
| | 24:00 Парагвай–Трин. ва Тобаго | _:_ |

### C гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 10 июнь. | 24:00 Аргентина – Кот-Д'Ивуар | 2:1 |
| 11 июнь. | 18:00 Сер. ва Черн. – Голландия | 0:1 |
| 16 июнь. | 18:00 Аргентина – Сер. ва Черн. | 6:0 |
| | 21:00 Голландия – Кот-Д'Ивуар | 2:1 |
| 21 июнь. | 24:00 Голландия – Аргентина | _:_ |
| | 24:00 Кот-Д'Ивуар-Сер.ваЧерн. | _:_ |

### D гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 11 июнь. | 21:00 Мексика – Эрон | 3:1 |
| | 24:00 Ангола – Португалия | 0:1 |
| 16 июнь. | 24:00 Мексика – Ангола | _:_ |
| 17 июнь. | 18:00 Португалия – Эрон | _:_ |
| 21 Июн. | 19:00 Португалия – Мексика | _:_ |
| | 19:00 Эрон – Ангола | _:_ |

### E гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 12 июнь. | 21:00 АҚШ – Чехия | 0:3 |
| | 24:00 Италия – Гана | 2:0 |
| 17 июнь. | 21:00 Чехия – Гана | _:_ |
| | 24:00 Италия – АҚШ | _:_ |
| 22 июнь. | 19:00 Чехия – Италия | _:_ |
| | 19:00 Гана – АҚШ | _:_ |

### F гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 12 июнь. | 18:00 Австралия – Япония | 3:1 |
| 13 июнь. | 24:00 Бразилия – Хорватия | 1:0 |
| 18 июнь. | 18:00 Япония – Хорватия | _:_ |
| | 21:00 Бразилия – Австралия | _:_ |
| 22 июнь. | 24:00 Япония – Бразилия | _:_ |
| | 24:00 Хорватия– Австралия | _:_ |

### G гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 13 июнь. | 18:00 Жан. Корея – Того | 2:1 |
| | 21:00 Франция – Швейцария | 0:0 |
| 18 июнь. | 24:00 Франция – Жан. Корея | _:_ |
| 19 июнь. | 18:00 Того – Швейцария | _:_ |
| 23 июнь. | 24:00 Того – Франция | _:_ |
| | 24:00 Швейцария – Жан. Корея | _:_ |

### H гуруҳи

| | | |
|---|---|---|
| 14 июнь. | 18:00 Испания – Украина | 4:0 |
| | 21:00 Тунис – С. Арабистони | 2:2 |
| 19 июнь. | 21:00 С. Арабистони – Украина | _:_ |
| | 24:00 Испания – Тунис | _:_ |
| 23 июнь. | 19:00 С. Арабистони – Испания | _:_ |
| | 19:00 Украина – Тунис | _:_ |

### 1/8 ФИНАЛ

| | | | |
|---|---|---|---|
| №1 24 июнь. | 20:00 | «A» 1-ўрин–«B» 2-ўрин | –:– |
| №2 | 24:00 | «C» 1-ўрин – «D» 2-ўрин | –:– |
| №3 25 июнь. | 20:00 | «B» 1-ўрин–«A» 2-ўрин | –:– |
| №4 | 24:00 | «D» 1-ўрин–«C» 2-ўрин | –:– |
| №5 26 июнь. | 20:00 | «E» 1-ўрин–«F» 2-ўрин | –:– |
| №6 | 24:00 | «G» 1-ўрин–«H» 2-ўрин | –:– |
| №7 27 июнь. | 20:00 | «F» 1-ўрин–«E» 2-ўрин | –:– |
| №8 | 24:00 | «H» 1-ўрин–«G» 2-ўрин | –:– |

### 1/4 ФИНАЛ

| | | | |
|---|---|---|---|
| A 30 июнь. | 20:00 | №1 ғолиби–№2 ғолиби | –:– |
| B | 24:00 | №5 ғолиби–№6 ғолиби | –:– |
| C 1 июль. | 20:00 | №3 ғолиби–№4 ғолиби | –:– |
| D | 24:00 | №7 ғолиби–№8 ғолиби | –:– |

### 1/2 ФИНАЛ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4 июль. | 24:00 | A ғолиби–B ғолиби | –:– |
| 5 июль. | 24:00 | C ғолиби–D ғолиби | –:– |

### 3-УРИН УЧУН

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8 июль. | 24:00 | A-B мағлуби-С-Д мағлуби | –:– |

### ФИНАЛ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9 июль. | 23:00 | A-B ғолиби–С-Д ғолиби | –:– |

ҲАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР

# САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

## ГАВҲАРИ ШАМЧИРОҚНИ АСРАНГ

**Гавҳари шамчироқ – кўзимиз танамиздаги энг заҳматкаш, меҳнаткаш аъзолардан бири. Шундай экан, уни асраб-авайлашимиз лозим. Чунки кўз кўрмаса ёруғ олам бизга қоронғу бўлади.**

**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Марказий маслаҳат-ташхис поликлиникасининг шифокори Раънохон ДАМИНОВА билан кўз касалликлари ҳақида суҳбатлашдик.**

Танамиздаги ёруғлик таъсирини сезадиган ягона аъзо – кўзимиздир. Кўз касалликлари туғма ёки кейинчалик пайдо бўлган – орттирилган бўлиши мумкин. Туғма касалликлар ирсий ёки ҳомилага турли зарарли омиллар таъсиридан пайдо бўлади. Ҳомиладор аёл ёки турмуш ўртоғининг токсоплазмоз, бруцеллёз, захм каби касалликлар билан оғриши ҳам кўзнинг туғма касалликларига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кўз пардаларининг қон билан таъминланишининг бузилиши ҳам учраб туради. Бу касаллик кексаларда қон томирлари склерози, ёшларда эса турли касалликлар таъсирида, яллиғланиш ёки қон қуйилишидан сўнг рўй беради.

Инсон улғайган сайин юз берадиган ўзгаришлар ва умумий касалликлар кўз гавҳарининг хиралашуви – катарактага олиб келади. Бу халқ тилида кўксув, назла, тиббиётда эса глаукома дейилади. Марказий ва периферик асаб, юрак-томир тизими касалликлари, заҳарланиш, моддалар алмашинувининг бузилиши, ички секреция безларининг зарарланиши, шунингдек, тери, юз, бош ҳамда буруннинг ёндош бўшлиқлари касалликлари ҳам кўзга маълум даражада таъсир этиши мумкин.

Шу ўринда айрим кўз касалликлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

**КОНЪЮКТИВИТ** – кўз соққаси билан қовоқни бириктириб турувчи шиллиқ парда – конъюктиванинг яллиғланишидир. Кўзга физик ва кимёвий моддалар тушиши, яъни қовоқни турли хил моддалар билан бўяйвериш хасталикка сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ёруғлик етарли бўлмаган жойда ишлаб, кўзни толиқтириш, чанг тушиши, ичкиликка ружу қўйищ коньюктивитга сабаб бўлади.

**КЕРАТИТ** – кўз мугуз пардасининг яллиғланиши бўлиб, мугуз пардага инфекция кириши, ёт жисмлар тушиб тирналиш, грипп, сўзак, сил, дифтерия, чечак, захм каби юқумли касалликлар, организмда А дармондорисининг етишмаслиги унга сабаб бўлади. Кератитга учраганда одам ёруғликка қарай олмайди, кўзи ёшланиб, санчиб оғрийди, қадалади. Ўз вақтида даволанмаса кўзга оқ тушиб қолиши ёки бошқа оғир асоратлар юз бериши мумкин.

**РЕТИНИТ** – кўз пардаси-ретинанинг яллиғланиши бўлиб, одам юқумли касалликларга йўлиққанда, модда алмашинуви бузилганда, буйрак хасталиклари, қандли диабет, қон ва томир касалликлари туфайли пайдо бўлади. Ретинит касаллигида кўз хиралашиб, кўриш майдони торайяди.

**ДАКРИОАДЕНИТ** – кўз ёши безининг яллиғланиши бўлиб, кўпроқ битта кўзда учрайди. Юқумли касалликлар туфайли пайдо бўлган ўткир дакриоаденитда юқори қовоқ устидаги тўқималар шишиб, оғрийди. Тана ҳарорати кўтарилади.



**ДАКРИОЦИСТИТ** – кўз ёши халтачасини бурун бўшлиғига туташтириб турадиган йўлнинг беркилиб қолишидир. Кўз ёши бурунга ўтиб кетмай, халтачада тўпланиб қолади. Натижада ёш халтачаси катталашиб, шишади ва кўзнинг бурун томондаги бурчагидан йиринг чиқади.

Бундан ташқари кўз кўпроқ чанг, қум тушиши, кўмир, металл бўлаклари, шиша, ўтин, тош зарралари кабилардан шикастланади. Кўзга бирор нарса тушганда ўзингизча олиб ташламанг. Кўзни тоза дока (бинт) билан боғлаб, дарҳол мутахассис шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Ёш ўтган сайин кўз гавҳарининг эластиклиги ўзгаради ва одам 60-65 ёшга борганда кўзнинг мослашиш қобилияти, яқин ва узоқдаги нарсаларни аниқ-равшан кўриш хусусияти йўқола бошлайди. Бундай ҳол юз берганда дарҳол кўз шифокорига учраб, тегишли кўзойнак тақиш керак бўлади.

**ЛЕЙКОМА**, яъни кўзга оқ тушиши деб кўз мугуз пардасида оқ эт пайдо бўлишига айтилади. Бу ҳол кўз мугуз пардасининг яллиғланиши (кератит) ёки шикастланиб, ёрилиб кетиши, баъзан токсоплазма, захм каби касалликлар оқибатида пайдо бўлади.

Кўз ёши кўз соққасининг юзасини намлаб, қуриб қолишдан сақлайди. Бундан ташқари, у кўзни микроб, ёт жисм кабилардан тозаланиб туришига ёрдам беради. Кўз беҳудага ёшланганда ўзбилармонлик қилмай, шифокорга мурожаат этилса, асоратнинг олди олинади.

## БУНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

**Аҳоли орасида тез-тез учраб турадиган ўткир юқумли ичак касалликлари айнан ёз фаслида кўп учрайди. Айниқса, ичтерлама (тиф), паратиф, ичбуруғ, овқат токсикоинфекциялари, сальмонеллёз, «А» вирусли гепатит касалликларининг тарқалиш хавфи кучаяди. Шу ўринда уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва олдини олиш усуллари ҳақида тўхталмоқчимиз.**

Бу касалликлар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви орқали юқишини унутмаслик керак.

Оддий, шахсий ва умумий гигиена қоидалари тўғрисида кўп гапирилади, аммо ҳамма ҳам унга риоя қилавермайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ходимлари санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилишлари шарт. Йўқса, маҳсулотлар тайёрланганда, уларни ташиш, сақлаш ва тарқатиш вақтида ифлосланиб қолиши мумкин.

Ўткир юқумли ичак касалликларининг тарқалишида ичимлик суви асосий омил бўлиши мумкин. Шунингдек, кўпинча ифлосланган қўл орқали ҳам юқади, яшаш, овқатланиш, ишлаш жойлари санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги сабаб бўлади. Пашшалар касаллик қўзғатувчиларини ташувчилар ҳисобланади. Касаллик манбаи – бемор одам, баъзи ҳолларда соғайгандан кейин ҳам соғлом бактерия ташувчи бўлиб, узоқ вақт давомида касаллик қўзғатувчиларини ажратиб, тарқатиб юриши ва соғлом одамларга юқтириши мумкин. Айниқса, бу ҳолат касалликнинг енгил шаклини бошидан ўтказганларда кўп кузатилади. Касаллик қўзғатувчи микроблар ва уларнинг токсинлари ошқозон-ичак тизими фаолиятини бузиш билан бирга асаб, жигар, талоқ ва бошқа ички аъзолар фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларга чалинган кишининг ичи кетиши, ҳарорати кўтарилиши, одам кўп миқдорда сув йўқотиб ҳолсизланиши мумкин. Суюқлик билан биргаликда кўплаб микроэлементлар организмдан чиқиб кетади. Бу ҳолат юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатиши ва инсон ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Касаллик қўзғатувчилар ташқи муҳит шароитларига нисбатан чидамлидир. Лекин санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш орқали улардан халос бўлиш мумкин. Ичтерлама таёқчалари тупроқда 2 ой, сувда бир неча ой, сабзавот ва меваларда бир неча кунгача сақланиб қолиши аниқланган. Шу билан бирга улар қуёш нури ва ультрабинафша нурларга, зарарсизлантирувчи воситаларга чидамсиз. Ичбуруғ қўзғатувчи микроблар эса сабзавот, мевалар ва нонда 11 кун, идиш-товоқда 30 кун, оқлиқлар ва кийимда 36 кунгача, сальмонеллар эса – 60°Сгача қиздирганда 1 соат, намакобда 2-3 ой, сариёғда 4 ой, сутда 20 кунгача сақланиб қолади.

Ўткир юқумли ичак касалликларига чалинмаслик учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилиш лозим:

– мева ва сабзавотларни фақат қайнатилган сувда ювиб, истеъмол қилинг;

– овқатланишдан олдин қўлингизни совунлаб ювинг;

– ичимлик сувини қайнатиб, кейин истеъмол қилинг;

– нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини елим халтачалар, усти берк идишларда салқин жойда сақланг;

– хонадон ва ҳовлиларингизни доимо озода тутинг;

– пашшаларнинг кўпайишига йўл қўйманг, бунинг учун ҳудудларни мунтазам равишда чиқиндилардан тозалаб туринг;

– болаларнинг тирноқларини ўз вақтида олиб, қўлларини тоза тутишга ўргатинг;

– озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, ташиш ҳамда тарқатишда санитария-гигиена қонун-қоидаларига риоя қилинг;

– идиш-товоқларни совун ва ювиш воситаларига қўшимча 0,2–0,5 фоизли хлорли дезинфекцияловчи эритмалар билан биргаликда ювинг;

– ошхона чиқиндиларини ёпиқ ҳолда сақланг, ахлат ташлаш жойларини тез-тез дезинфекция воситалари билан зарарсизлантириб туринг;

– очиқ сув ҳавзаларидан сув ичманг, ман этилган жойларда чўмилманг, таомларни антисанитария ҳолатда тайёрламанг ва истеъмол қилманг.

Агар касаллик аломатлари сезилса, тезда тиббиёт ходимларига мурожаат этинг. Ўзбилармонлик билан ҳар хил дори-дармонларни истеъмол қилиш касалликнинг сурункали ҳолатига ўтиб кетишига ва ёмон асоратларга олиб келиши мумкин.

**Д. ТЎРАНАЗАРОВ,**
*Республика ИИВ Санитария-эпидемиология назорат Бош маркази бошлиғи, полковник.*

## ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

- Аччиқ, шўр нарса (таом)ларни кўп истеъмол қилиш кўзда глаукома касаллигини пайдо қилиб, кўздаги қон босимини оширади.
- Кўз шилпиғланса анжир қоқисидан тайёрланган дамламага асал қўшиб, артиш керак.
- Кўз ёшланиши организмга $B_2$ дармондориси етишмаслиги оқибатидан бўлса, тухум, пишлоқ ва қўй гўштидан қилинган таомлар ейиш лозим.
- Она сути кўзи оғриган бола учун энг яхши даводир.
- Оқ пиёзнинг суви сиқиб олиниб, она сути билан аралаштирилиб, кўзга томизилса, оқини тузатади.
- Кўзда оқ пайдо бўлиши билан лоланинг эзиб олинган сувига асал аралаштирилиб, томизилса, шифо бўлади.
- Кўз шамоллаганда янги ўрилган беданинг сувига ювиш керак. Илиқ қора чой билан ювишнинг ҳам нафи яхши бўлади.
- Кўз қизарганда пиёзни сувда қайнатиб, унга асал қўшиш ва кунига 3-4 маҳалдан ювиш, кўк чойда чайиш лозим.
- Кўзга говмижжа чиққанда кўпроқ мева-сабзавот, айниқса, қорағат (смородина), қулупнай, наъматак, сабзи тановул қилиш, унинг шарбатини ичиш керак. Ўртача катталикдаги алоэ баргини олиб, майдаланади ва устига 1 стакан совуқ сув қуйиб, олти соат тиндирилади. Шу сув билан ювилганда говмижжа тузалади.
- Кўзда глаукома пайдо бўлганда кўпроқ пиёз, черника, шавел истеъмол қилиш керак.
- Кўз катаракта бўлганда кўпроқ хом саримсоқпиёз ейиш лозим.
- Шабкўрликда кунига уч маҳал балиқ мойи ичиш, жигар истеъмол қилиш фойдали.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА** тайёрлади.

Юлия Кузеняткина, ИИВ Марказий госпитали ҳамшираси, кичик сержант.

*Ўзбекона либос – минг бир жилоли,*
*Парвона ҳар йигит ошиқ булбулдек.*
*Ҳар битта зар қатим – само ҳилоли,*
*Юз элнинг гўзалин яшнатар гулдек.*



**Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!**

**Мурожаат учун телефонлар:** 139-73-88, 139-75-37

**Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz**



# ИБРАТЛИ ҲИКМАТЛАР

Луқмони ҳаким қора танли киши эрди. Бир киши уни қул қилиб сотиб олди. Кўп муддат анча хизмат буюриб, андин илм ва ҳикмат асарларини кўрур эрди. Бир кун имтиҳон йўли билан Луқмонга дедиким:

– Бир қўйни сўюб, энг яхши жойидан манга келтургил.

Луқмон қўйни сўюб, тилини ва юрагини келтирди. Яна бир кун буюрди:

– Бир қўйни сўюб энг ёмон жойидан менга келтургил.

Луқмон яна қўйни сўюб, тилини ва юрагини хожасига келтирди. Хожаси сўрадиким:

– Бу қандай ишдир?

Луқмон деди:

– Агар пок бўлса ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эмасдур ва агар нопок бўлса ҳам ҳеч нарса алардин ёмонроқ эмасдур.

* * *

Бир подшо тушида кўрса, барча тишлари тўкилди. Бу тушдан ниҳоят хафа бўлиб, эрта билан таъбир этувчини чақириб, кўрган тушини айтиб берди.

Таъбирчи дедиким:

– Барча болаларингиз ва хотунларингиз, яқинларингиз ўз ҳузурингизда ўлғувчидирлар.

Подшога бу таъбир жуда қаттиқ кўриниб, буюрдиким, таъбирчининг барча тишларини омбир билан суғуриб олдилар ва тилини кесдилар. Сўнгра бошқа бир таъбирчини чақириб, ул тушни бунга ҳам баён қилдилар. Иккинчи таъбирчи жуда доно ва хуштабиат киши эрди. Ул деди:

– Эй, подшоҳ, бу тушингиз умрингизнинг узоқлигига далолат қиладур. Таъбири будурким, барча болаларингиз, хотинингиз ва яқинларингиздан сизнинг умрингиз узоқ бўлғувсидир.

Бу таъбир подшога ёқиб, унга от ва кийим билан минг танга пул берди ва дедиким:

– Бу икки таъбирнинг мазмуни бирдир. Лекин биринчи таъбирчи ёмон иборат билан сўзлаб, ўзини ҳалокат чуқурига ташлади. Иккинчи таъбирчи эса юмшоқ сўз билан ишора қилиб, давлат байроғини кўкдан оширди.

* * *

Бир кун ҳакимдан сўрабдиларким:

– Қайси овқат лаззатлироқ?

Ҳаким деди:

– Очлик ғалаба қилган вақтда овқат есалар яхши ва лаззатлироқдир.

**«Латоиф уз-зароиф»дан.**

ТЕСТ

# ОПТИМИСТМИСИЗ ЁКИ ПЕССИМИСТМИСИЗ?

**Омадингиз, эришадиган натижаларингиз ҳаётий қарашларингизга боғлиқ. Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз, атроф-муҳитга бўлган муносабатингизни билиб оласиз.**

**Бизнинг давримизда бой бўлиш мумкинми?**

а) Ҳозир бунинг учун барча шароитлар яратилган.

б) Ҳалол йўл билан бойиб бўлмайди.

в) Бой бўлишни истасанг, мол-мулкингни кўпайтиришга интилма, балки нафсингни тий.

**Сизнинг фикрингизча, эҳтирос нима?**

а) У илҳомга ўхшаш ҳис.

б) Ҳалокатли туйғу.

в) У бамисли олов – иситиши ҳам, куйдириб кул қилиши ҳам мумкин.

**Ноқулай об-ҳаво шароити кайфиятингизга салбий таъсир қиладими?**

а) Йўқ, муҳими руҳим осойишта, хотиржам бўлса бас.

б) Ҳа, тез-тез шундай бўлиб туради.

в) Агар режамни амалга оширишга халал берса, кайфиятимни бузади.

**Қуйидаги ҳикматли гапни давом эттиринг: «Кишининг баҳоси...**

а) Дўстларининг сони билан белгиланади.

б) Душманларининг сони билан белгиланади.

в) Амалга оширган ишлари билан белгиланади.

**Севимли одамингиз билан жанжаллашиб қолсангиз...**

а) Ҳаётда бўлади-да. Ҳамма нарсанинг давоси – вақт.

б) Ўзимни дунёда энг бахтсиз одам деб ҳис қиламан.

в) Бир оз ғам чекаман, кейин кайфиятим жойига тушади.

**Сизни танқид қилишса...**

а) Танқидни хотиржам қабул қилиб, тегишли хулосалар чиқараман.

б) Жаҳлим чиқади, танқид қилган кишини жинимдан ёмон кўриб қоламан, ўзим омадсиз одам бўлсам керак деб ўйлаб қоламан.

в) Бугун омадим чопмагандир-да, деб юз берган воқеани унутиб юбораман.

**Қуйидаги ҳикматли гапларнинг қайси бири дилингизга яқин:**

а) «Ҳаёт ҳақида қандай ўйласангиз, у шундай бўлади».

б) «Яхшиликка ишониб яшанг, аммо нохушликларга тайёр туринг».

в) «Ҳаётдан ҳеч қачон ўпкаламанг».

**«а» жавоб учун 3 балл, «б» жавоб учун 1 балл, «в» жавоб учун эса 2 балл берилади. Энди йиққан балларингизни жамланг.**

**7-11 балл.** Ўзингизни қўлга олинг. Шунда энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш йўлини топасиз. Донишмандлардан бири айтганидек: «Оптимист ҳар қандай оғир вазиятдан чиқиш имкониятини топади, пессимист эса ҳар қандай имкониятдан фалокат кутади».

**12-16 балл.** Сиз файласуф табиатли реалистсиз. Дунёни оқ бўёқларда ҳам, қора рангларда ҳам кўрмайсиз, борича тасаввур этасиз.

**17-21 балл.** Сиз оптимистсиз. Ҳар қандай иложсиз вазиятдан ҳам чиқишнинг камида иккита йўли бор, деб ҳисоблайсиз. Шунинг учун ҳеч қачон умидсизликка тушмайсиз. Айнан ана шу хислатингиз, қувноқлигингиз учун кўпинча омад сизга ёр бўлади.

# ТАФАККУР ЗИЁСИ

● *Фикр оламнинг чегараси ва ниҳоясини қамраб олишдан ожиз бўлса-да, лекин доимо зарурият туғилганда жуда узоқни кўра олади.*

* * *

● *Тажриба ҳақиқат гаровидир.*

* * *

● *Тафаккур баъзан кашфиётларни майдонга келтиради. Аммо шу тасодифнинг юзага чиқиши йилларни эмас, ҳатто асрларни талаб этади.*

* * *

● *Фақат нафрат ва қўрқувгина зўравонлик қилишга мажбур этади.*

* * *

● *Кўнглини ёрувчи дўсти бўлмаган одам ўз юрагининг кушандасидир.*

* * *

● *Инсон тафаккурига қанот эмас, балки уни қалтис сакраш ва парвоздан асровчи қўрғошин боғламоқ жоиз.*

* * *

● *Одатда майда ва арзимас нарсалар катта нарсалар ҳақида кўпроқ билим беради. Катта нарсалар эса аксинча, кичик нарсалар ҳақида тасаввур беришга ожизлик қилиб қолади.*

* * *

● *Зўравонлик йўғрилган чоралар замирида ёвузлик ётади.*

* * *

● *Инсон ўзи афзал кўрган нарсаларнинг ҳақиқатлигига кўпроқ ишонади.*

* * *

● *Маккор одамлар илмни назар-писанд этмайдилар, соддадил одамлар ундан ҳайратга тушадилар, донолар эса илмдан фойдалана биладилар.*

* * *

● *Билимсизлик кучайгани сайин шубҳа-гумон орта боради.*

## Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!

Телефон: (371) 139-73-88



*Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:*

(371) 139-70-40

**Соат 9.00дан 21.00гача**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: Bobomurod Toshev
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev, Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60; Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2514. Bosilish - ofset usulida. Hajmi – 6 bosma taboq. 56026 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. Ⓝ- Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.